Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 16 декабрь, шанба • № 95 (10.771) • Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

15 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга амалий ташриф буюрган Литва бош вазири Адольфас Шлежявичюсни қабул қилди.

Самимий суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Литва ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, жумладан, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, Литва бандаргоҳларидан Ўзбекистон манфаатлари йўлида фойдаланиш соҳаларида ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Марказий Осиё, Болтиқбўйи минтақаларидаги вазият, шунингдек, бошқа халқаро масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

(ЎзА).

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Литва Республикаси Бош вазири А. Шлежявичюс раҳбарлигидаги делегация аъзолари 15 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасига ташриф буюрди.

Учрашувда Бош вазир А. Муталов Ўзбекистон билан Литва ўртасидаги савдо ва иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, жумладан, енгил саноат, машинасозлик, денгиз транспорти каби соҳаларда ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш ҳар икки мамлакат манфаатларига мос тушишини таъкидлади.

Бош вазир А. Шлежявичюс ўз навбатида Ўзбекистон билан Литва ўртасидаги ҳамкорликни тараққий эттириш учун иқтисодий асос мавжудлигини таъкидлади.

Учрашув сўнгида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Литва Республикаси ҳукумати ўртасида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича битим имзоланди.

Битимни имзолаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари М. Усмонов, К. Раҳимов иштирок этди.

(ЎзА)

МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР РИВОЖИ

Юртбошимизнинг хорижий мамлакатларга расмий ташрифлари Ўзбекистон билан ушбу давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини яратишда муҳим омил бўлмоқда. Президент Ислом Каримовнинг 1992 йил 15 декабрь куни Миср Араб Республикасига ташрифи ҳам ана шундай сермаҳсул сафарлардан бири бўлган эди.

— Президент Ислом Каримовнинг Мисрга расмий ташрифи мамлакатларимиз халқлари орасидаги азалий дўстона ҳамкорлик алоқаларини янги, янада юксак босқичга кўтарди, — дейди биз билан суҳбатда Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ахборот бўйича маслаҳатчиси Магди Дайф. — Қоҳирада ўтган музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон ва Миср ўртасида сармояларни ҳимоялаш ва ўзаро рағбатлантириш, оммавий ахборот воситалари, иқтисодий, илмий, техникавий, шунингдек, таълим ва диний соҳаларда ҳамкорлик қилиш бўйича битим ва протоколлар имзоланди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш керакки, ушбу ҳужжатлар асосида ҳамкорлик тобора ривожланиб бормоқда. Шу ўринда Ўзбекистонлик кўплаб ёшлар Миснинг Қоҳира, Айн-шамс, Ал-азҳар каби университетларида кўплаб соҳаларда таълим олаётганини, мисрлик олимлар, енгил саноат вакиллари, дин арбоблари делегациялари Ўзбекистонга ташриф буюриб, турли жабҳаларда ҳамкорлик қилиш юзасидан музокаралар олиб борганини таъкидлаш жоиз.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим омиллари нималардан иборат?

— Мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги қадимий дўстлик, Ўзбекистон ва Миснинг турли халқаро муаммолар борасида нуқтаи назарлари умумийлиги ва яқинлиги, ислоҳотларни амалга оширишда тажриба алмашув эҳтиёжи ҳамкорликни тақозо этувчи муҳим омиллардандир. Тошкентдаги элчихонамизнинг асосий мақсади ана шу имкониятларни мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлида фойдаланишда кўмаклашишдан иборат.

Шу ўринда яқинда мисрда Ўзбекистон элчихонаси очилганини қувонч билан қайд этишни истардим.

Ана шу муносабат билан Қоҳирага ташриф буюрган Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов мамлакатимиз Президенти Ҳусний Мубарак билан учрашди. Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, бу ўринда Ўзбекистон ва Миср пойтахтларини боғловчи ҳаво йўлини очиш мақсадга мувофиклиги таъкидланди.

Сўзим ниҳоясида Миср ҳукумати ва халқи Ўзбекистон амалга ошираётган ислоҳотларни диққат билан кузатиб бораётганини ва бу борада эришилаётган ютуқлардан мамнунлигини қайд этишни истардим.

Амирқул КАРИМ суҳбатлашди.

(ЎзА).

ИСЛОМ КАРИМОВ



Илгари хабар қилганимиздек, вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

(Мазкур илмий-амалий конференцияга бағишланган материалларни газетамизнинг 2-3 саҳифаларида ўқийсиз).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИНИНГ ПЛЕНУМИ

1995 йил 13 декабрь куни Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент вилояти қўмитасининг пленуми бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари кенгашлари сессияларидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. Президентимиз томонидан айтилган фикр-мулоҳазаларни ва ёшлар олдида турган вазифаларни бажариш юзасидан тадбирлар қабул қилинди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент вилояти қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаб келган Н. Жабборова Тошкент вилояти ҳокими ижроия маҳкамасига ишга ўтганлиги муносабати билан ўз вазифасидан озод этилди.

Пленумда илгари ёшлар иттифоқи Тошкент тумани қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаб келган Р. Солиҳов Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент вилояти қўмитасининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленум ишида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий қўмитасининг биринчи котиби А. Тешабоев иштирок этди ва сўзга чиқди.

Пленумда Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи муовини Т. Мирёқубов сўзга чиқди. У асосий эътиборни мамлакатимизда бошланган ислоҳотларни амалга оширишда ёшларнинг роли ва улар олдида турган вазифаларга қаратди.

Шу куни вилоятимиздаги бир гуруҳ илғор ёшларга мамлакатимиз тараққиётига қўшган ҳиссаси ва жамоат ишларидаги фаоллиги учун Тошкент вилояти ҳокими, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ҳамда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент вилояти қўмитасининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

БЎКА тикувчилик фабрикаси жамоасининг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Улар орасида ишлаб чиқариш илғорлари ҳам бор. Ушбу суратда сиз кўриб турган Назира Каримова шундай пешқадамлардан ҳисобланади. Моҳир чевар топшириқни доим ошириб бажаради.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ҚИШЛОҚ ИШБИЛАРМОНЛАРИ

ОҚҚЎРҒОН туманидаги «Оққўрғон» ширкатлар бирлашмасида хўжаликнинг бошқа тармоқлари қатори саноат ҳам тез ривожланиб боряпти. Қишлоқларда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган янги-янги кичик ва қўшма корхоналар қуриб ишга туширилмоқда. Ҳозир бу ерда гиламчилик, тўқувчилик цехлари, ун ва шоли оқлайдиган тегирмонлар, махсар экини ҳосилидан ёғ ишлаб чиқарадиган мўъжаз завод ишлаб турибди. Исроил билан ҳамкорликда қурилган сутни қайта ишлайдиган кичик корхонада эса эндиликда 28 хил маҳсулот тайёрланиб, қишлоқ ва туман аҳолисига етказиб берилаётир. Бу ерда Ирсоилда ўқиб, касб ўрганиб келган 22 нафар қишлоқ ёшлари меҳнат қилишмоқда. Ширкатлар бирлашмасида янги кичик корхоналар сони кўпайиб бораётгани юзлаб кишиларни доимий иш билан таъминлаш имконини берди.

Бирлашма раҳбарияти қишлоқни саноатлаштириш йўлини изчиллик билан давом эттириб, бу ишга бош қўшаётган ташаббускор ва ишбилармонларга ҳар томонлама ёрдам беряпти. Ташаббускорлар сафи эса тобора кенгайиб бораётир. Жумладан, фермерлардан Шарифжон Абдурахмонов, Маҳкам Саурбоев, Абдуҳолиқ Абдурахмонов шахсий чорва фермаларида компьютерлар ёрдамида бошқариладиган исроилча ишлаб чиқариш жараёнлари қўлланиб, жиҳозлаш ишларини бошлаб юборишди.

Раҳим ҚОДИРОВ.

ОНАХОННИНГ 100 ЁШЛИК ТЎЙИ

ЮҚОРИЧИРЧИҚ туманида пиру-бадавлат қариялар кўп. Улар турли миллат вакиллари. Қайси бири билан суҳбатлашманг, узоқ умр кўришнинг асосий омили серҳаракатлилик, оиладаги тотувлик ва хотиржамлик, дейишади.

Яқинда ана шундай онахонлардан бири Татьяна Кимнинг 100 ёшлигига бағишланган тўйи Ийк қишлоғида катта тантанага айланиб кетди. Унда вилоят, туман фахрийларидан вакиллар ҳам қатнашдилар.

Буни қарангки, тўй арафасида бу пири-бадавлат хонадон соҳибаси чеваралик бўлди.

ФАХРИЙЛАРНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

ЯҚИНДА Тошкент вилояти уруш ва меҳнат фахрийлари вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари кенгашларидаги нутқларидан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилдилар. Сўзга чиққанлар республикамиз раҳбарининг нутқларида баён этилган вазифалар ва хулосалар катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек пленумда Ўртачирчиқ туман уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг 1995 йилги фаолияти тўғрисида туман кенгаши раиси Х. Масодиқов ахборот берди.

Бугунги кунда Тошкент вилоятида 270 минг нафардан ортиқ фахрийлар бор. Буларнинг 10 минг нафари уруш фахрийларидир.

Фахрийлар ўсиб келаётган авлоднинг дунёқарашини шакллантиришга, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда баҳоли қудрат ёрдам бермоқдалар. Мустақил Ўзбекистон сиёсатини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ва бошқа вазифаларни ҳал қилишда фаол қатнашмоқдалар.

Пленумда кўрилган масалалар юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Пленум ишида Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи муовини Т. Мирёқубов иштирок этди.

НАФС БАНДАЛАРИ

Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида ёнилғи-мойлаш материалларини сақлаш ҳамда сотиш тартиб-қоидаларини бузган кимсалар энди қилмишларига яраша жавоб берадилар

ЁНИЛҒИ-МОЙЛАШ материалларини ташиш, сақлаш ва сотишда талабларга, давлат томонидан белгиланган қоидаларга риоя этиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилнинг май ойида чиққан «Ёнилғи-мойлаш материаллари сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорида улар тўлиқ баён этилган эди. Лекин ҳамма жойда ҳам бу қарорга амал қилинмаяпти. Уни қўпол равишда бузиш ҳоллари содир бўлмоқда. Доимий ишловчи назорат-текширув гуруҳларининг яқинда ўтказган текширишлари буни яққол кўрсатди. Турли фирмалар ва шахслар томонидан автосиғимлар, сиғимлар ва канистраларда автомобил бензини амалдаги тартибларга хилоф равишда келтирилаётгани, бунинг устига ёнғин хавфига қарши қоидаларни бузган ҳолда уйларида сақлаб, шу ердан сотаётганликлари каби фактлар очиб ташланди. Ҳатто, оширилган нархларда сотиш, миқдоридан уриб қолиш каби иллатлар ҳам аниқланди. Шундай ҳатти-ҳаракатлар қилишга муккасидан кетган бундай «тадбиркорлар» ўз қилмишларини ҳеч қандай баҳона билан оқлайолмай, текширувчилар олдида шамгин бўлишга, бош эгишга мажбур бўлдилар. Ахир кўза кунда эмас, кунида синади, деб бежиз айтмаган халқимиз. Қиғир ишнинг, албатта, қийиғи чиқади. Буни ҳеч вақт унутмаслик керак.

Текшириш натижасида аниқланган қоида бузиш ҳолларининг айримларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Ўртачирчиқ туманидаги «Қора олтин» хусусий фирмасига қарашли автомобилга ёнилғи қуйиш тармоғи оператори А. Азизхўжаевнинг «фаолиятига» назар ташланганда, у амалда қонун-қоидаларни биладуриб, писанд қилмаслиги, ўз билганича иш тутиши маълум бўлди. Текшириш хулосалари бу тармоқда энг муҳим масала — ёнғин хавфига қарши кураш тадбирларига мутлақо эътибор берилмаганлигини кўрсатди. Бунинг устига, ёнилғи қуйиш асбоб-ускуналари давлат стандарти томонидан тамғаланмаган эди. Шу икки муҳим талабга риоя қилмайдиган тармоқнинг ишлашига йўл очиб қўйилгани ажабланарлидир. Бу тармоқ ва фирма раҳбарларининг ўзбошимчалиги, «ўзини хон, қўланкасини майдон» деб билишидан дарак бермайдими?

Камчиликлар фақат шундан иборат бўлмай, бошқалари ҳам бор эди. Чунончи, бу фирма раҳбарлари Тошкентдаги хусусий «С-Лола» фирмасидан шартнома асосида 2712 литр ҳажмдаги А—80 маркали бензинни олиб келиб, ҳар литрини нақд пулга 13 сўм 50 тийиндан шахсий автомашиналар эгаларига сотганлар. Харидор ҳақига хиёнат қилиш фақат шу билан чекланган бўлса ҳам майли эди-я. Пулидан уриб қолиш билан бирга миқдоридан ҳам чегириб қолишдан сесканмаганлиги афсусланарлидир. Намунавий ўлчагич ёрдамида ёнилғи қуйиш қурилмасидан автомобилларга қуйилаётган бензин миқдори текшириб кўрилганда, унинг ҳар ўн литридан 0,6 литр ёнилғи уриб қолинаётганлиги аниқланди. Ахир, уни пулга чақсак, саккиз сўмдан ҳам ошиб кетади. Бир кунда бунақа ўн литрдан

Қарор ва ижро

неча марта қуйилади. Ана, энди унинг умумий пулини бир кўз олдингизга келтириб кўринг. Ҳа, оз бўлмайди!.. Бу нафс балосига берилишдан бошқа нарса эмас. Инсоф, диёнат қаёқда қолди?!

Шундай кишилар борки, улар автомобиллар серқатнов бўлган кўчалар четларида, ҳатто, уйларида ёнилғи билан очиқдан-очиқ савдо қиладилар. Фақат мўмай пул топишса бўлгани, шу мақсадда улар ўзларини ўтдан-чўққа уришдан ҳам тоймайдилар. Ахир ёнилғилар хавфли ҳисобланади, уларни сақлашда тартиб бузилса, ёнғин чиқиши ва бошқа хунук воқеалар содир бўлиши ҳам ҳеч гап эмас.

Тошкент — Бекобод шоҳ йўлининг 16-километрида йўл четида, одамлар истиқомат қиладиган уйларнинг ёнгинасида фуқаро Марс Одилов бензин сотаётганида қўлга тушди. У ўз уйида бегона шахсларга Қозоғистон Республикасидан ҳеч бир ҳужжатсиз олиб келинган бир тонна А-80 маркали ёнилғини сотиш билан шуғулланаётган эди. Сотилаётган бензин намунаси давлат лабораториясида текшириб кўрилганда давлат мезони талабларига умуман яқин келмаслиги маълум бўлди. Унинг бундай ўзбошимчалиги ҳеч қайси қонун-қоидага тўғри келмайди.

Комилжон Жалолов ҳам шундай қораланган иш усули — мўмай пул топиш йўлини касб қилиб олганлардан бири экан. Одамлар лицей талабаси бўлган бу кимсани Тошкент — Оҳангарон шоҳ йўлининг Ўртасарой қишлоғидан ўтадиган қисми ёнида канистраларда бензин сотаётганлигини кўп кўришган. Ниҳоят унинг қонунсиз иши фош қилинди. Бу гал у 260 литр бензинни канистраларда ҳар бир литрини 14 сўмдан пуллаётганида қўлга тушди.

Ўртачирчиқ туманидаги Қорасув шаҳарчасида истиқомат қилувчи А. Отаҳўжаев йўл четида бензин билан ноқонуний савдо қилувчиларнинг «пири» бўлиб кетган экан. Текшириш ўтказилган куни у трактор тиркамасига ўрнатилган сиғимда ёнилғи сотаётган эди. Ушбу сиғимда 2510 литр бензин бор эди. Шундай савдо-сотиқ билан шуғулланиш учун «савдогар»нинг ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган.

Шундай ноқонуний савдо-сотиқ билан шуғулланганлар номини яна давом эттириш мумкин. Пойтахтнинг Сағбон кўчасида яшовчи А. Абдураҳимов, Матбуот кўчасида истиқомат қилувчи Р. Усмонов, Журжоний кўчасида турувчи Х. Содиқов, Шоир кўчасидан Н. Умаров, Форобий кўчасидан Ш. Қосимов, А. Тоиров ва бошқалар ҳам бел оғритмай пул топишнинг осон йўлига муккасидан кетган шахслар бўлиб чиқишди. Уларнинг бундай фаолиятларига чек қўйиш вақти келди. Белгиланган тартиб-қоидани бузаётганлар шуни аниқ билиб қўйишсинки, ножўя иш, албатта, ташвиш келтиради.

Шу ерда яна бир масала ҳақида тўхтаб ўтиш керак. Маълум бўлишича, вилоятимиздаги айрим туман ҳокимликлари бензин билан шу тартибда савдо қилишга рухсат бериб қўйишган. Бу юқоридаги каби бензинфурушларнинг кўпайишига олиб келган омиллардан бири эканлигини ким инкор этади. Буни ҳеч қандай баҳона ёки сабаб билан оқлаб бўлмайди.

Албатта, юқорида исмишарифлари келтирилган бензинфурушларнинг бу қилмишлари ўз баҳосини олади, уларга нисбатан маъмурий чоралар қўрилади. Бундай текширишлар эса бундан буён ҳам давом этади. Тартиб-қоидани бузиб, бензин сотиш билан шуғулланаётган кимсаларнинг кирдикорлари шубҳасиз, фош этилади.

ВИЛОЯТ НАЗОРАТ-ТЕКШИРУВ ГУРУҲИ.

ЯНГИ СУПЕРМАРКЕТ

14 декабрь куни Тошкентда «Шарқ Мир ЛТД». қўшма корхонасининг «Мир» супермаркети очилди.

Қарийб 4 минг квадрат метр савдо саҳнига эга бўлган ва қисқа муддатларда замонавий қилиб барпо этилган ушбу супермаркетда турли мамлакатлардан келтирилган озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, хўжалик ва электр моллари билан савдо қилинмоқда.

Пойтахтимиз аҳли ва меҳмонлари учун яратилган ушбу қулайлик «Шарқ» матбаа-ноширлик концерни ва Туркиянинг «Демир» фирмаси ҳамкорлигининг ҳосиласидир.

— Ўзбекистонда ана шундай супермаркетлар сони 2 мингтадан ошди, — деди маросимда республикамиз Бош вазири ўринбосари Мираброр Усмонов. — Улар юртимиз истеъмол бозорини маҳсулотлар билан тўлдириш, халқимиз фаровонлигини оширишда кўмаклашади.

Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Эрдўғон Айтун бу иншоот мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорликка ўзбек ва турк ишбилармонлари қўшган муносиб ҳисса эканини таъкидлади.

(ЎзА).

• ОБУНА — 96 • ОБУНА — 96 • ОБУНА — 96 • ОБУНА — 96 •

ДИҚҚАТ, ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Муҳтарам газетхонлар!

Газета ва журналлар, шу жумладан **«Тошкент ҳақиқати»** учун 1996 йил обуна мавсуми тугашига саноқли кунлар қолди.

«Тошкент ҳақиқати»нинг обуна баҳоси бошқа нашрларга нисбатан бирмунча арзонроқ. Вилоят аҳолиси учун:

бир йилга — 606 сўм 60 тийин,
олти ойга — 303 сўм 30 тийин,
уч ойга — 151 сўм 65 тийин,

Агар сиз Тошкентда яшаётган бўлсангиз, обуна бундан ҳам арзонга тушади:

бир йилга — 516 сўм,
ярим йилга — 258 сўм,
уч ойга — 129 сўм.

Абонент қутичаларидан фойдаланадиган тошкентликлар эса бундан ҳам озроқ ҳақ тўлайдилар:

бир йилга — 432 сўм,
ярим йилга — 216 сўм,
уч ойга — 108 сўм.

Корхона, ташкилот, муассасалар учун ҳам, якка тартибда обуна бўлувчилар учун ҳам ана шу нарх белгиланган.

«Тошкент ҳақиқати»нинг нашр кўрсаткичи аввалги йилгидек — 64672.

Қадрдон газетангизга обуна бўлишга шошилинг!

КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ —

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий



МУСТАҚИЛ мамлакатимизда кейинги йиллар мобайнида рўй бераётган ўзгаришлар юртбошимизнинг бир қатор тўпламлари ҳамда рисолаларида батафсил баён этиб берилган. Ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътибор билан кутиб олинган, ўзбек, рус, инглиз тилларида нашр қилинган «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида эса Президентимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг оқилона йўлларини тўла-тўкис кўрсатиб бердилар.

Мазкур китоб чоп этилгандан буён кенг жамоатчилик ўртасида қизғин муҳокама этилмоқда. Ишлаб чиқариш корхоналари, жамоа хўжаликлари, ташкилотлар ва муассасалар, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, мактабларда бу муҳим дастурни чуқур ўрганиш режалари белгиланиб, улар асосида турли тадбирлар, илмий-амалий анжуманлар ўтказилмоқда.

Яқинда Тошкент вилояти ҳокимлигида ҳам ана шундай илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Уни республика Олий Мажлиси ва вилоят ҳокимлиги биргаликда ташкил этдилар.

Анжуманда маъруза қилганлар, сўзга чиққанлар китобда иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида эришилган натижалар якуни, иккинчи босқичда амалга оширилиши керак бўлган устивор вазифалар, мамлакат аҳолиси учун муносиб ҳаёт ва фаолият шароитини яратиш, халқни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тиклаш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш масалалари ҳар томонлама, чуқур таҳлил этилганлигини алоҳида эътироф қилдилар.

Айни пайтда, улар китоб жойларда яна ҳам чуқурроқ ўрганилишига эътиборнинг кучайтирилиши, унинг мазмуни , аҳамияти республикамизнинг ҳар бир фуқароси қалбига сингдирилиши, бу қўлланма янги жамиятни барпо этиш, уни бошқаришнинг амалий дастури бўлиб қолиши керак, деб таъкидладилар.

Қуйида ана шу илмий-амалий конференцияда қилинган маърузалар, сўзга чиққанлар, шунингдек, анжумандан кейин фикр билдирган турли касб эгаларининг мақола ва мулоҳазалари муштарийлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Биз ислоҳотлар стратегияси ва улар йўлини шакллантиришга қаратилган ўз моделимизни ишлаб чиқишга ва амалга оширишга муваффақ бўлдик. Бу — амалга оширалаётган туб ўзгаришлар бошланғич босқичининг асосий натижасидир.

Ислом КАРИМОВ.

ИСЛОҲОТЛАР ТАРАҚҚИЁТНИ КЎЗЛАЙДИ

Эркин РЎЗИЕВ,
Тошкент вилояти ҳокими

МАМЛАКАТИМИЗДА Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилинган куннинг уч йиллиги умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобига бағишлаб бугун ўтказилаётган илмий-амалий конференция ҳам истиқболдаги вазифаларимизни яна бир бор аниқлаштириш ва чуқурлаштириш маъносида ўзига хос аҳамият касб этади, деб ўйлайман. Китобнинг бир қатор хорижий ва ҳамдўстлик давлатларида ҳам нашр этилиб, кенг жамоатчиликнинг эътиборини қозонганлиги, кўпгина мамлакатлар иқтисодчи олимлари, йирик мутахассислари унга юксак баҳо берганликларидан ҳаммамиз хабардормиз.

Маълумки, республикамизда иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашиб бораётган айни даврда халқимиз унинг мазмуни, моҳияти, мақсади ҳамда ўзига хос хусусиятини тўлиқ тушуниб олиши зарурдир. Ана шу талаблардан келиб чиқиб, ҳозиржавоблик билан ёзилган мазкур китобда бозор иқтисодиётининг, ислоҳотларнинг кўлами ғоят тушунарли, равон тарзда баён қилиб берилди. Республикамиз ривожининг ўзига хос ва ўзига мос йўли аниқ равшан ифода этилди.

Китобнинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, унда иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичи якунлари чуқур ва атрофлича таҳлил этилган. Хусусан, Президент бу босқич ҳақида шундай деб ёзади: «...Биз энг қийин, бошланғич босқични ўтиб бўлдик. Бу босқич иқтисодий ислоҳ қилишнинг бутун жараёнига асос солди. У давр синовидан ўтди ва ўз вазифасини, ўз ишини муваффақиятли бажарди».

Дарҳақиқат, юртбошимиз таъкидлаганидек, мазкур босқичда янги тузумнинг ишончли пойдеворини яратиш вазифаси қўйилган эди, ва айтиш мумкинки, у муваффақиятли ҳал этилди. Буни биз амалий ҳаётимизда яққол ҳис этиб турибмиз. Бу босқичда янги иқтисодий тизимнинг ҳуқуқий негизлари яратилди, бош қомусимиз Конституция қабул қилинди, халқимизнинг янги демократик давлат қуриш йўлидаги фаоллиги ошиб, тафаккур ўзгарди. Мамлакатни сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳамда маънавий ривожлантириш йўлида ҳаётий қонунлар қабул қилинди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, ривожланиб бораётган республикамиз моддий бойликларини кўпайтириш, одамлар ҳаёти ва фаолияти учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган иқтисодий тизимни барпо этиш ва маънавиятни равнақ топтириш билан боғлиқ масалалар тафсилотига китобда кенг ўрин берилган.

Кўп укладли иқтисодиётни яратиш, ҳар бир инсоннинг мулк эгаси бўлишига эришиш, ташаббускорлик ва уддабуронликни бутун чоралар билан ривожлантириш негизига асосланган хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш рисолада муҳим вазифа сифатида белгиланди.

Корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик фаолиятига давлатнинг бевосита аралашувидан воз кечиш, иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларини бартараф этиш, иқтисодий омиллар ва рағбатлантириш воситаларидан кенг фойдаланиш учун барча имкониятлар ишга солинди.

Иқтисодиётда моддий, табиий, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, жаҳон иқтисодий тизимига тенг ҳуқуқли, муносиб аъзо сифатида кириб бориш масаласига устивор йўналиш берилди. Кишиларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шаклларини мустақил белгилаш имконини беришга алоҳида ёндошилди. Асарда мамлакатимизда ислоҳ қилишнинг биринчи босқичида мулкчиликнинг ҳамма шакллари тенг ҳуқуқли эканлиги юридик жиҳатдан кенг асосланди.

Вилоятимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, хусусан, биринчи босқичдаги муҳим масалаларни ҳаётга татбиқ этишда Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари фаолиятимизнинг асосий мазмунини ташкил этди.

Биринчи босқичда белгиланган асосий вазифалар ўтган йиллар ичида вилоятимизда ўзининг амалий ифодасини топди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, фермерлик ҳаракатини авж олдириш, ерни ўз эгасига топшириш, хусусий мулк эгаларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг мулкини ижтимоий ҳимоялаш, қишлоққа саноатни олиб кириш, маънавият борасидаги фаолиятимиз бунга яққол мисол бўла олади.

Ислоҳотларнинг иккинчи босқичида ана шу ишлар янада такомиллаштирилиб, муваффақиятли ниҳоясига етказилиши кўзда тутилган. Хусусан, иккинчи босқичнинг бешта асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Биринчидан, хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг асосий вазифасидир.

Бу борада вилоятимизда анчагина ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятда хусусийлаштириш бўйича давлат дастурида тасдиқланган топшириқлар асосан бажарилди. Бугунги кунга келиб нодавлат шўъбадаги корхоналар сони 80 фоизга етди. Уларда 318 мингдан кўпроқ киши меҳнат қилмоқда. Хусусийлаштириш жараёни давом этмоқда. Вилоятда 324 акционерлик жамияти тузилди. Уларнинг фаолиятлари бирмунча жонланди. 267 акционерлик жамияти қимматбаҳо қоғозлар бозорига чиқди. Ана шундай қоғозлар биржасида 35,8 миллион сўмлик акциялар сотилди. Аммо бу бизни қониқтирмайди. Айрим йирик корхоналар ўз акцияларини сотиш юзасидан етарли иш олиб бормадилар.

Президентимизнинг китобида хусусийлаштиришнинг муваффақияти пировад натижалар унинг қишлоқда қай тарзда ўтказилаётганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидланади. Вилоятда бу борада ҳам маълум ишлар олиб борилмоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқилиб, унга мувофиқ 3805 та тадбиркорлик тизилмалари барпо этилди. Қишлоқ жойларида 583 та деҳқон-фермер хўжаликлари яратилди. 418 та кичик корхона, 2804 та хусусий корхоналар вужудга келди.

Юртбошимиз китобида ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳамда корхоналар, тармоқларнинг, умуман давлатнинг иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиши энг муҳим вазифалар эканлиги амалий мисоллар асосида баён қилиб берилган. Ана шундан келиб чиқиб Тошкент вилоятида ҳам ушбу масалалар юзасидан анчагина амалий чора-тадбирлар белгиланган эди.

Биринчи ярим йилликда 39 та корхона зарар кўриб ишлаган бўлса, тўққиз ой якуни бўйича уларнинг сони 20 тани ташкил этди. Вилоят саноатида аҳвол ижобий томонга ўзгарди. Йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб пасайиш суръатлари тўхтатилиб, тўрт-беш ой ичида саноат ишлаб чиқариши 15 фоизга ошди. Айниқса, пўлат, прокат, кўмир, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик машиналари, капролактам ва бошқа муҳим саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпайиб борди. Йилнинг охиригача халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 30 фоизга кўпайиши кутилмоқда.

Лекин, бу ҳали вилоятда иккинчи босқичнинг навбатдаги муҳим вазифалари тўла бажарилдиди, деган гап эмас. Бунинг учун инвестиция фаолияти жадаллаштирилиши, иш жойлари сони 30 мингга оширилиши, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш анчагина кўпайтирилиши лозим.

Китобда қайд этилганидек, миллий валютамизнинг қадрини ошириш ва мустаҳкамлаш энг муҳим вазифа бўлиб қолаверади. Зероки, миллий валюта қанчалик кучли, обрў-эътиборли бўлса, иқтисодиёт ўшандагина мустаҳкам бўлади. Бу борада жойларда маълум ишлар қилинди. Махсус комиссия бу масала билан изчил шуғулланмоқда. Тадбирлар бесамар кетмади. Июль ойида эмиссия даражаси 42,5 фоиз бўлган бўлса, сентябрь ойида 25,2 фоизга камайди. Аммо, тўққиз ойлик якунга кўра режа бўйича эмиссия даражаси 29 ўрнига 31,9 фоизни ташкил этди. Айниқса, Олмалиқ, Ангрен шаҳарлари, Қуйичирчиқ туманида иккинчи босқичнинг ана шу муҳим вазифалари суст амалга оширилмоқда.

Китобни синчиклаб ўрганар эканмиз, унда иқтисодиётимиз структурасини тубдан ўзгартириш, хомашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, унинг сифатини ва рақобатбардошлилигини ошириш, жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш энг муҳим стратегик вазифа қилиб белгиланганлигининг гувоҳи бўламиз. Чиндан ҳам биз бозор муносабатларига асосланган янги иқтисодиёт барпо этаётган эканмиз, бугун ҳар бир корхона, ташкилот ташқаридан бериладиган ёрдамга кўз тиккиб ўтирмасдан, ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтмоғи лозим. Бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда жаҳон стандартлари даражасида бўлмоғи керак.

Бизда эса бундай имкониятлар мавжуд. Фақат улардан оқилона фойдаланиш керак. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан четга рақобатбардош маҳсулот чиқариш 3,3 мартага кўпайди. Бу асосан йирик корхоналар ҳисобига тўғри келмоқда. Эндиликда ихчам, замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарни кўпайтирсак, бу билан республикамиз валюта жамғармасига муносиб улуш қўшган бўламиз. Айни пайтда янги-янги ишчи ўринлари очилади, деб ўйлаймиз.

Бугунги кунга келиб, вилоятда 2867 та кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. Шу йилнинг ўзида қишлоқ жойларида 280 га яқин кичик корхона, цех ва линиялар ишга туширилди. Қарийб 10 мингдан кўпроқ қишлоқ аҳолиси янги иш жойлари билан таъминланди. Янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ошди.

Шу йилнинг иккинчи ярмида Олмалиқ шаҳрида тиш пасталари, пайпоқ, полиэтилен пленкалари, Зангиота ва Паркент туманларида шампан винолари, Чирчиқда электр лампочкалари каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Афсуски, айрим туманларимизда ҳали бу борада етарли иш қилинмаяпти. Саноатни қишлоққа олиб кириш, янги технологиялар жорий этиш, аҳолини иш билан таъминлаш масалалари эътибордан четда қолмоқда.

Бекобод, Янгийўл, Қуйичирчиқ, Чиноз туманларида бу борадаги ишлар талаб даражасида эмас.

Аҳволни бундай қолдириб бўлмайди, албатта. Президентимизнинг китобида иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг ҳамма қонун-қоидалари аниқ, равшан баён этиб берилган экан, фаолиятни ана шу талаблар нуқтаи назаридан яна бир бор қайта кўриб чиқиш зарур бўлади. Ана шундагина мазкур китобдаги энг муҳим — бешинчи вазифа — аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялашни яна ҳам юқори талаблар даражасига кўтаришимиз мумкин бўлади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳеч бир давлатда ўтиш даврида ижтимоий ҳимояга республикамиздагидек устивор йўналиш берилмаган экан. Бунинг учун жаҳон ҳамжамияти бизнинг бу йўналишдаги фаолиятимизни юқори баҳоламоқда. Президентимиз юритаётган изчил сиёсатнинг оқилона эканлигини эътироф этмоқда.

Вилоятимизда кам таъминланганлар, етим-есирлар, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан анчагина ишлар амалга оширилди. Бундан буён ҳам бу соҳадаги тадбирларни такомиллаштириш давом этади.

Мустақил республикамизнинг ҳаётий дастури сифатида туғилган бу китоб моҳиятан ниҳоятда катта аҳамиятга молиқдир. Эндиги вазифа рисоладаги тамойиллар мазмунини — иқтисодий ва ижтимоий қонун-қоидалар тафсилотини жойларда аҳолига, ҳар бир кишига чуқур сингдиришдан иборат бўлмоғи керак. Шубҳа йўқки, бунда бизга олий ўқув юртлари олимлари, мактаб ўқитувчилари, умуман зиёлилар, қолаверса, оммавий ахборот воситалари катта ёрдам берадилар. Шаҳар ва туманларда бундан буён ҳам китобнинг мазмунини тарғиб этишда йирик мутахассислардан ташкил топган ишчи гуруҳлар фаолият кўрсатаверади. Давлат ва хўжалик қурилишининг бутун қўлланмаси бўлиб хизмат қиладиган мазкур китобни ўрганиш талабалар, мактаб ўқувчилари орасида яна ҳам кенг йўлга қўйилади.

Ислоҳотларнинг иккинчи босқичини муваффақиятли ниҳоясига етказиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, маънавиятини юксалтириш, Ватанимиз куч-қудратини мустаҳкамлаш борасида китобда қўйилган вазифаларни изчил амалга ошира бориш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлиб қолаверади.

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТИ, РИВОЖЛАНИШ

Баҳодир ЭШОНОВ,
Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси

ПРЕЗИДЕНТ Ислом Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида мамлакатимизда мустақиллик эълон қилингандан кейин ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишларга якун ясади, содир бўлган ижтимоий силжишлар, иқтисодий ислоҳотлар, кишилар онгида рўй бераётган ўзгаришлар таҳлил қилинди.

Мазкур китоб икки қисмдан иборат. «Иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг якунлари ва сабоқлари» деб номланган биринчи қисмда иқтисодий ислоҳотлар стратегияси ва йўлини шакллантириш воситалари, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларини яратиш ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан асослаб берилган. Шунингдек, давлат мулкини ҳусусийлаштириш ҳамда кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, аграр муносабатларнинг янги типини вужудга келтириш масалалари чуқур ва атрофлича кўриб чиқилган.

Китобнинг иккинчи қисми «Иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг вазифалари ва устивор йўналишлари» деб номланади. Унда мамлакатни иқтисодий ривожлантириш борасида олдимизда турган асосий вазифалар баён этилган. Булар — хусусийлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш жараёнларини чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, миллий валютани мустаҳкамлаш, иқтисод таркибий структурасини тубдан ўзгартириш, ижтимоий кафолатлари кучли бўлган демократик давлатни шакллантириш вазифаларидир.

Халқимиз тарихида янги давр бошланди. Биз ўз ривожланишимизнинг янги босқичига қадам қўйдик, деб таъкидланади ушбу рисолада, иккинчи босқичнинг мақсадлари аниқ-равшан белгилаб олинди. Улар эришилган ютуқлардан мантиқий равишда келиб чиққан бўлиб, ислоҳ қилиш жараёнларини чуқурлаштиришга қаратилгандир. Биз жамиятимизни демократиялаш, демократик адолатпарвар, ижтимоий йўналтирилган, ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган фуқаролик давлатини барпо этиш йўлидан янада олға ва яна ҳам дадилроқ боришимиз даркор.

Иккинчи босқичда кўзланган мақсад — республикада демократик тузумни мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳаётни ва хўжалик фаолиятини ташкил қилиш тизимида қонунларнинг ҳамда ҳуқуқий меъёрларнинг ролини кучайтириш, давлат бошқарувининг яхлит тизимида турли бўғинларнинг ваколат доирасини аниқ чегаралаб олишдир. Бунда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ ва ваколатларини энг кўп даражада кенгайтиришдан иборатдир. Президент Ислом Каримовнинг ушбу китобида, «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» рисоласида «Бугун биз қандай давлат қураяпмиз? Унинг сиёсий ва ижтимоий негизи, унинг қиёфаси қандай бўлиши керак? Янги демократик жамият шакланишида унинг таъсири қандай бўлади? деган саволларга жавоб топиш, бу хусусда атрофлича фикр юритиш фурсати етди, деб таъкидлади.

Албатта, бу масалалар бизнинг Конституциямизда ҳам ўз ифодасини топган. «Мақсадимиз аниқ, — деб қайд этади И. Каримов, — бозор иқтисоди тамойилларига асосланган, эркин, очиқ демократик давлат қуришдир».

Мустақил Ўзбекистон ўз халқи танлаб олган йўл — очиқ, эркин бозор иқтисодиётига асосланган одил жамият, кучли демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан босқичма-босқич олға бормоқда. Биз барпо этаётган давлат, аввало, умумжаҳон маърифатига, давлат қурилиши соҳасида тараққий этган бошқа халқлар эришган тажрибаларга ва ўзимизга хос миллий анъаналарга, ижтимоий қадриятларга асосланмоқда.

Президент Ислом Каримов халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгаши сессиясида шундай деди:

— Олис тарихимиз бизда миллий давлатчилик анъаналарини кўп асрлар олдин шаклланганидан далолат беради. Улуғ соҳибқирон Амир Темур давлатчилиги, унинг ўзига хос сиёсат ва бошқарувчилик усули, адолатли жамият барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари бугунги давлатчилигимизни янги мазмун билан бойитишда муҳим аҳамиятга эга.

Худди шундай. Президентимиз айтганларидек, мамлакатимиз тарихан қисқа муддатда катта ютуқларни қўлга киритди. Биз мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан буюк мамлакатнинг пойдеворини қўйдик. Бутунлай янги тарихий шароитларда миллий давлатчилигимизнинг асосини яратдик. Мамлакатимизда эндиликда ҳуқуқий-демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни тобора чуқурлашмоқда.

Тарих сабоқлари шуни кўрсатадики, истиқлолнинг қадри доимо баланд бўлган ва у бебаҳодир. Биз она юртимизнинг мустақиллигини эълон қилиш билан ўзимизнинг давлатчилигимизга ҳос бўлган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиёт йўлимизни белгилаб олдик.

Шу билан бирга бозор иқтисодиётига асосланган демократик, ҳуқуқий давлатни, фуқаролик жамиятини шакллантиришни ўз олдимизга олий мақсад қилиб қўйдик.

Конституциямизда тарихан таркиб топган Олий Мажлис, ҳокимлар, оқсоқоллар, вилоятлар, туманлар, қишлоқ ва овуллар, вазирлар, Вазирлар Маҳкамаси сингари тушунчалар мустаҳкамланди. Бу эса конституцияда ва бошқа норматив актларда ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таянганликдан далолат беради.

Биз юртимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни Конституцияда белгилаб қўйган эканмиз, Президент Ислом Каримов миллий давлатчилигимиз ривожланиш концепцияси устувор йўналишларини, назарий ва амалий асосларини ифодалаб берди.

Президент Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимлигининг тизими — жамиятнинг нафақат қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига асосланган (Конституциянинг 11-моддаси), балки, ҳокимият бўлиниш негизида партиявийлик принципи ҳам муҳим ўрин олганлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиш принципига асосланган. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас. (Конституция, 12-модда).

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар (Конституция, 34-модда).

Ислом Каримов ҳокимият тизимида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш принципларига, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга катта эътибор беради.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади, дейилади Конституциянинг 32-моддасида.

«Жойларда давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунлар давлатни бошқариш қоидаларини тартибга солувчи қонунлар туркумига киради.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши соҳасида ноёб механизм тизилмаси, унинг илдизлари халқ анъаналарига ва тарихан таркиб топган жамоа муносабатлари шаклланадиган маҳаллага бориб тақалади, деб таъкидланади Президент рисоласида.

Шаҳарчалар, қишлоқлар, маҳаллалар, фуқаролар йиғини фуқароларга давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишда ёрдам беради. Улар ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал қилиш учун уюштирадиган орган сифатида тан олинди.

Президент китобида демократик, адолатли фуқаролар жамиятини қуриш халқимиз, умумбашарий қадриятларни ҳурмат қиладиган давлатимизнинг стратегик мақсади экани айтилади. Шу муносабат билан рисоладан келиб чиқиб, ижтимоий тотувликни шакллантиришнинг назарияси ва амалиёти, кескин зиддиятлардан ижтимоий ва сиёсий муросани излаш ва топишга ўтиш энг муҳим эҳтиёжга айланмоқда.

Фуқаролар жамиятини шакллантириш, аввало, иқтисодий муносабатларни демократлаштиришни, мулкчиликнинг турли шакллари тенглиги қоидасини амалда тасдиқлашни, хўжалик фаолиятининг тўла-эркин бўлишини, иқтисодий юксалишни таъминлаш омили бўлган хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни кўзда тутади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда амалга оширилаётган ички сиёсат ана шу қоидаларни изчиллик билан рўёбга чиқаришга қаратилган. Сўнгги йилларда қабул қилинган Президент фармонлари ва муҳим ҳукумат ҳужжатларини эса олайлик: мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, тадбиркорликни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, фермерликни ривожлантириш, хусусий мулкчилик ва сармояларни муҳофаза қилиш, мамлакат учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқариб, амалда янги иқтисодий муносабатларнинг қарор топишига кўмаклашаётган корхоналарга имтиёзли солиқ солиш, ҳам маҳаллий, ҳам хорижий тадбиркорларга кафолат берадиган қонунлар ана шундай муҳим ҳужжатлардир.

Президентнинг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги шунингдек, 1994 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонлари мамлакатимизда режалаштирилган ўзгаришларни амалда рўёбга чиқариш борасида, айниқса, муҳим аҳамият касб этди.

Бозор механизми самарали ишлаши учун тегишли шарт-шароитларни таъминлаш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш ва чуқурлаштириш ғоят муҳимдир. Бунда хусусий мулкни ҳимоя этиш асосий ўрин тутади.

Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек улар жойлашган ер участкаларини жисмоний ва юридик, хорижий шахсларга сотиб олиш, танлов асосида хусусий мулк қилиб сотишга рухсат берилди.

Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришни жадаллаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги, миллий валютанинг ички эркин алмаштирилишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент фармонлари иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидаги муҳим ҳужжатлар бўлиб қолди.

Бу фармонларда кўзда тутилган чора-тадбирлар мулкчилик шакли турлича бўлган иқтисодиётни шакллантиришда ягона сиёсатни ўтказишга, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, сармоя жамғармалари, тафтиш хизмати, фонд биржалари ва кўчмас мулк биржаси, республиканинг жаҳон бозори тизимига қўшилишига имкон берадиган бозор тузилмаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Республикада сиёсий ҳаётни демократлаштириш фуқаролар жамиятини шакллантиришнинг муҳим белгиси бўлди. Ҳозирги босқичда кўп партиялилик қоидаларини жорий этиш ва изчиллик билан қарор топтириш Олий Мажлис фаолиятининг фарқ қилувчи

ИСТИҚБОЛ МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ

Элеонора ЛАРИНА,
Чирчиқ шаҳридаги 9-мактаб директори

Етук мутахассисларсиз жамият ва истисодиёт тараққиётини тасаввур этиб бўлмайди. Маълумки, ҳамма соҳаларда малакали, билимдон,моҳир мутахассисларга эга бўлган давлат, жумладан,АҚШ,Англия,Япония,Жанубий Корея сингари мамлакатлардаги иқтисодий равнақ шунинг учун ҳам жаҳон жамоатчилиги эътиборида туради.

Шу боис Президентимиз И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида етук мутахассисларни тайёрлашга алоҳида урғу беради. Мустақил республикамиз истиқболини ўйлаб биз ҳам кейинги талаблар даражасида толиби илмлар тайёрлаш юзасидан янгича дастур асосида иш бошладик. Тажриба тариқасида амалга ошираётган тадбирларимиз келажакда яхши натижалар беради, деб ўйлайман. Мен директорлик қилаётган 9-мактабда болалар боғчаси - дастлабки ривожланиш мактаби - ўқув-ишлаб чиқариш комбинати - олий ўқув даргоҳи йўналишида ўқитиш ва ҳунар ўрганиш дастури амал қилмоқда. Олинган билим чуқур бўлиши учун биз чет тилларни ҳамда ихтисосликларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратдик.

Мактабимизда юқори малакали 85 нафар ўқитувчи янги дастур асосида фаолият кўрсатмоқдалар. Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонасида ташкил этилган услубий марказ билан алоқаларимиз ҳам ижобий натижалар бермоқда. Бизнинг талабаларимиз билан бошқа ўқув масканларидаги ўқувчилар савияси солиштирилганда бизнинг болалардаги билим ва тажриба даражалари юқори эканлиги яққол сезилмоқда. Президентимиз китобидан келиб чиқиб, мана шундай илғор иш услублари бошқа жойларда ҳам жорий этилса, келажакнинг етук мутахассислари тезроқ камол топади.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ УСТИВОР ДАСТУРИ

ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобига бағишланган илмий-амалий конференция

Иккинчи босқичда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида иқтисодий барқарорликни таъминлаш, миллий валютани мустаҳкамлаш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, чинакам рақобатчилик муҳитини яратиш вазифаси турибди.

Ислом КАРИМОВ.

РЕСПУБЛИКАМИЗ — КАФОЛАТЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИГА ЭГА БЎЛАДИ

Баҳодир УМУРЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазири

МЕН сўзимнинг бошида бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Гап шундақи, илгарилари ҳам (собиқ иттифоқ даврида) мамлакатда жуда кўп раҳбарларнинг китоблари муҳокама қилинган, унга бағишлаб йиғилишлар ўтказилган. Очиғини айтиш керак, бу ишлар ўша даврдаги раҳбарларнинг ишини улуғлаш учунгина зўрма-зўраки ташкил этиларди.

Аммо республикамиз Президенти Ислом Каримов қаламига мансуб «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобининг бунчалик катта қизиқиш билан ўрганилаётганлиги моҳияти тамоман бошқача. Чунки, бу китобда Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан кейинги қўлга киритилган натижалар, белгилаб олинган истиқлол ва тараққиёт йўлининг самаралари очиб берилиши билан бирга ислоҳотларнинг иккинчи босқичида олдимизда турган асосий вазифалар белгилаб берилган.

Ана шунинг учун ҳам бу китобга дунё ҳамжамиятининг етук олимлари, мутахассислари, давлат раҳбарлари ҳам юқори баҳо бермоқдалар.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишдаги йўлининг ўзига хослиги, унинг мукаммал ва пухта тамойилларга асосланиб амалга оширилаётганлиги, унинг дастлабки натижалари кўзга яққол кўринаётганлиги, самарасини бераётганлиги, Президентимизнинг китобида ўз аксини топди.

Республикамиздаги иқтисодий ислоҳотлар ва тараққиёт йўлимизнинг бошқа давлатларда мавжуд бўлмаган ва ўз ифодасини топмаган яна бир жуда муҳим жиҳати борки, бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Бу — янги иқтисодий муносабатларга, лўнда қилиб айтганда, бозорга ўтиш даврида ислоҳотларнинг кучли ҳимоя қилиб борилишидир. Президентимизнинг китобида ана шу масалаларга кенг ва атрофлича тўхталинган. Айни вақтда иккинчи босқичда бу борада амалга оширилиши зарур бўлган дастурлар ўз ифодасини топган. Унинг ижросини таъминлаш йўлидаги йўл-йўриқлар ҳам кўрсатиб ўтилган.

Хусусан, унда шундай жумлалар бор: «Аҳолининг энг ҳимоясиз ва мухтож табақаларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш эса, ўз навбатида, ислоҳотларни муваффақиятли ўтказишнинг гаровидир, бошланган ўзгариш ва покланиш жараёни орқага қайтишга йўл бермайдиган ижтимоий таянчдир».

Дарҳақиқат, республикамизда ўтиш даврида иқтисодий аҳвол анчайин мураккаб бўлишига қарамасдан, давлат йўли билан мунтазам ҳимоя воситаларининг турли йўналишлари ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда. Бунга ўтган давр мобайнида биргина фахрийларимизга тўланаётган пенсия нафақаларининг оширилишига доир Президентнинг 21 та фармонлари қабул қилинганлигиёқ юқоридаги фикрларимизни яққол исботлаб турибди. Бугунги кунда республикамизда энг кам иш ҳақи миқдори 250 сўм бўлгани ҳолда, қарилик пенсиясининг энг кам миқдори 645 сўмни ташкил этмоқда.

Ўтган даврда болаларга, ногиронларга ва бошқа нафақа олувчиларга тўланадиган пул маблағлари ҳам ҳаётий эҳтиёждан келиб чиқиб, нарх-наво билан боғлиқ ҳолда ошириб борилмоқда. Ҳозир республикада битта ногиронга йил давомида сарфланаётган харажат 1300—1400 сўмни ташкил этмоқда.

Сўзсиз, китобда таъкидланганидек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш йўлида уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлида амалга оширилаётган тадбирлар ўзини оқламоқда. Республикамизда тинчлик, осойишталик, хотиржамликни таъминлашдаги бош омиллардан бири ҳам мана шу тадбирлар бўлаётир.

Айни вақтда шуни айтиш керакки, янги тузимга ўтиш, давр, шароит биздан ижтимоий ҳимоя қилиш йўлидаги ишларимизни, тадбирларимизни такомиллаштириб боришни талаб этмоқда. Очиғини айтганда, ўтган даврда бу мақсадлар йўлида олиб борилаётган барча ишлар, ажратилган маблағлар ҳам тўлиқ ҳақиқий ҳимояга муҳтож оилаларга, фуқароларга етиб бормаганлиги ва кутилган самарани бермаганлиги ҳам сезилиб қолди. Буни ўз китобида таъкидлар экан, республика Президенти ислоҳотларнинг иккинчи босқичида ижтимоий ҳимоя тизимини ҳам ислоҳ қилиш зарурлигига эътиборни қаратганлар. Хусусан, у киши шундай дейдилар:

«Ижтимоий сиёсатни амалга оширишда, ижтимоий ҳимоя воситасини кучайтиришда сифат жиҳатидан янги босқич зарурлиги объектив эҳтиёж бўлиб қолди. Шу муносабат билан ялпи ижтимоий ҳимоялаш тизумидан ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига изчиллик билан ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Дарҳақиқат, мутахассис сифатида мен Президентимиз томонидан қўйилган бу вазифани нақадар тўғри ва адолатли эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Чунки, эндиликда ижтимоий ёрдам ҳақиқий эгасига бориб тегиши керак. Бу ишни амалга оширишда республикамизда қадимдан жуда катта обрў ва эътиборга эга бўлган маҳаллалар орқали амалга ошириш энг самарали усуллардан бири эканлигини ҳам ҳаёт яққол исботлади. Бугунги кунда шаҳарларда, вилоятларда, давлат томонидан ажратилаётган ижтимоий ҳимоя маблағларини тақсимлашда маҳалла қўмиталари, қишлоқ фуқаролари йиғинлари (давлат органи) ҳамкорликда ишламоқдалар. Бу ўзини тўлиқ оқлаяпти. Чунки, ерлик аҳолининг, оилаларнинг даромади, яшаш тарзи ва шароитини булардан яхши биладиган ташкилот йўқдир. Ана шунинг учун ҳам республика Президенти бу ишни янада чуқурлаштириш вазифасини илгари сурганлар.

Шу ўринда яна бир масалага эътиборни қаратмоқчиман. Республикамизга ташриф буюраётган кўплаб хорижий сармоядорлар, банк ходимлари Ўзбекистонда маблағнинг жуда катта қисми ана шу ижтимоий ҳимоя мақсадида сарфланаётганлигини тушуна олмасликларини очиқ айтмоқдалар. Зеро, Ўзбекистонда аҳвол қанчалик мураккаб бўлмасин, умумий миллий даромаднинг учдан бир қисми фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга сарфланмоқда. Энг муҳими, дунёнинг бирон бир мамлакатида муҳтож оила, ногирон ва фахрийлар бундай кафолатли ижтимоий ҳимояга эга эмаслар.

Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзининг китобида бу ишлар ислоҳотларнинг иккинчи босқичида ҳам давом эттирилишини ва такомиллаштирилиб борилишини кенг таъкидлаб ўтган.

Эндиликда бу иш ҳақиқий муҳтожларни аниқлаб амалга оширилади. Мақсад — ажратилган моддий ёрдам ва кўмак аниқ оилаларга етиб боришини таъминлаш, айни вақтда, жамиятни ҳаддан ташқари табақаланиб кетишига йўл қўймасликдир.

Албатта, бу тадбирни фақат давлат йўли билан амалга ошириш анчагина мураккаб иш. Бунинг учун маҳаллий ҳокимият бошқарув органлари, ташкилот, корхона ва муассасалар ҳам ўз фаолиятида ижтимоий ҳимоя йўналишини кучайтириб борадилар.

Айни вақтда мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизимини янада мукаммаллаштириш мақсадида кишиларни ўз имкониятига ва қобилиятига яраша иш билан таъминлаш дастури илгари сурилади. Бу, айниқса, қишлоқ жойларида катта аҳамиятга эга. Ана шунинг учун ҳам бугунги кунда барча вилоятлар, шаҳар ва туманларда иш жойларини кенгайтириш, маҳаллий халқнинг эҳтиёжи ва қобилиятига қараб корхоналар очиш асосий вазифа қилиб қўйилмоқда.

Бунинг яна бир жиҳати шундаки, ҳар бир кишининг эркин мушоҳада қилиши, мулкка эгалик қилиши ўз-ўзидан унинг дунёқарашини тубдан ўзгартириб боради. Унда ўз меҳнатининг, ўз тақдирининг, ўз мамлакатининг ҳақиқий эгаси бўлиш ҳиссини кучайтиради. Бунинг ҳам тарбиявий, ҳам маънавий аҳамияти бор. Шунда у ўзи кафолатли ҳимояга олинган адолатли, демократик мамлакатнинг фуқароси эканлигини чуқур ҳис этади. Бу келгуси тараққиётимизда ниҳоятда катта аҳамиятга эга масаладир.

Республика Президентининг китобида ана шу муаммоларнинг ечими чуқур ва атрофлича очиб берилганки, уни амалга ошириш бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди. Энг муҳими, янгича фикрлашга, янгича меҳнат қилишга даъват этади. Зеро, жамият тараққиётида бу нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

ТУЗУМ, ФУҚАРОЛИК МИЛЛИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг масалалари бўйича қўмитаси раиси, Олий Мажлиси депутати

белгисига айланди. Ўзбекистон парламенти биринчи чақириқ биринчи сессиясидаёқ депутатлар таъсис йиғилишларининг аризалари ва тегишли ҳужжатларини кўриб чиқди.

Натижада Олий Мажлис ваколатли — ҳокимият органларидан сайланган 120 кишидан иборат депутатлар блокини, 69 депутатдан иборат Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясини, 47 депутатдан иборат «Адолат» социал-демократик партияси фракциясини, 14 депутатдан иборат «Ватан тараққиёти» партияси фракциясини рўйхатга олди.

Олий Мажлис кўп партиялилик қонидасини тасдиқлар экан, парламентда барча масалалар турли блок ва фракцияларнинг ғоя ва фикрларини бир-бирига қиёслаш асосида ҳал қилишда сиёсий муроса асосий қоида бўлиб қолишига асосланди.

Фуқаролар жамияти ижтимоий соҳани ривожлантириш, турли жамоат бирлашмаларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини кенгайтириш таълим тарбия ва маданият, инсон ҳаётининг дастлабки негизи бўлган оила оммавий ахборот воситалари тизими учун муайян шарт-шароитлар бўлишини назарда тутади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг асосий қисми фуқаролар жамияти доирасида амалга тисодий муносабатларга ўтишнинг ўзи танлаб олган андозаси — бешта асосий тамойилларига кирадиган давлат ва ҳуқуқнинг ижтимоий вазифалари назарияси билан аниқ ва изчил асослаб берилган. Ислом Каримов таъкидлаганидек, энг муҳими — тинчлик, барқарорлик, миллати, эътиқоди турлича кишиларнинг ҳамжиҳатлиги, ўзаро ҳурмати ва ўзаро тоқати, шунингдек, кучли ижтимоий муҳофазадир.

Президентнинг китобида бозорга ўтиш шароитида давлат ва инсоннинг ўзаро муносабатлари концепцияси аниқ баён қилинган. Бу концепция шундан иборатки, давлат инсонни ижтимоий муҳофаза қилиш вазифаларини, унинг ҳуқуқлари кафолатини ўз зиммасига олади ва уни бозор стихиясида ёлғиз ташлаб қўймайди. Бу концепция ижтимоий адолат ва ахлоқ қоидаларига асосланган жамият барпо этишни кўзда тутади.

Давлатимиз бошлиғи бозорга ўтиш шароитларида фуқароларга нисбатан чуқур асосланган ва собиткадам йўл тутмоқда. Бу-инсонни ижтимоий муҳофаза қилиш, давлат ва шахс ўзаро муносабатларининг қоидалари билан боғлиқ бўлган энг муҳим муаммолардан бири десак, хато бўлмайди.

Бу ерда гап давлатнинг фуқаролар шажсий ҳаётига қандайдир йўл билан аралашиши тўғрисида эмас, балки, давлатнинг фуқаро-ди, ижтимоий муҳофаза тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар ҳожатманд кишиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таъминлабгина қолмай, шу билан бирга, жамиятда халқнинг мамлакат раҳбариятига ишончи муҳитини ҳам яратди.

1995 йилда байналмилалчи жангчиларга, уруш ногиронларига аравачалар сотиб олиш учун ижтимоий таъминот вазирлигига — 840 минг Америка доллари миқдорида валюта ажратилди. Бу ижтимоий гуруҳ, уларнинг оила аъзолари бир қанча солиқларни тўлашдан озод этилган. Квартиралашни хусусийлаштиришда, дори-дармонларни сотиб олишда ва бошқа соҳаларда уларга имтиёзлар берилди.

Ўқитувчиларга, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар, уларнинг иш ҳақини ошириш тўғрисида, фуқаролар шахсий ёрдамчи хўжалигини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари, бошқаларнинг қаровига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уй-жойлар хусусийлаштирилиши муносабати билан аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий муҳофаза қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари, Ғалаба кунининг байрам қилиниши муносабати билан иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларини рағбатлантириш, аҳолига компенсация тўловларини жорий этиш тўғрисида Президентнинг бир қанча фармонлари, шунингдек, кўпгина бошқа асосий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бозор муносабатларига ўтишнинг мураккаб шароитида давлатимиз бошлиғининг йўл-йўриқларига амал қилиб, аҳолини, айниқса, унинг ижтимоий ночор табақаларини муҳофаза қилиш чораларини изчиллик билан амалга оширди. Яхши муҳофаза қилинмаган ижтимоий гуруҳларга моддий мадад бериш юзасидан ҳукумат киритган таклифлар ҳар томонлама кўриб чиқилди. Аҳолининг иш билан таъминланишини тартибга соладиган, корхонанинг бекилиши ёки қайта ташкил этилиши муносабати билан вақтинча ишсиз қолган шахсларга кафолат берувчи қонунлар ўз вақтида қабул қилинди.

«Фуқароларнинг давлат пенсияси таъминоти тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида», «Давлат санитария назорати тўғрисида», «Таълим тўғрисида», «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» ҳамда ёш авлоднинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга, аёллар ва болаларнинг аҳволини яхшилашга, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва касалликларнинг олдини олишга қаратилган бошқа қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Российская газета» мухбири билан суҳбатда айтганидек, меҳнатсевар халқимиз давлатимизнинг энг катта бойлигидир. Диёримизда инсонийлик ва инсонпарварлик, тинчлик ва аҳиллик, яхшилик ва адолат каби буюк қадриятларни тарғиб қилган улуғ мутафаккирлар яшаган. Шунинг учун ҳам биз ўз тарихимиз, яхши анъаналаримиз билан фахрланамиз.

Халқ, унинг фаровонлиги ва осойишталиги орзуси — ватанимиз анъанаси, халқимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган фазилатидир. Буюк бобомиз Амир Темур ўз «тузуқлари»да мамлакатни истиқомат жойи сифатида танлаган барча қариялар, дарвешлар, қаландарлар нафақат маош олди, ночор аҳволга тушиб қолган бошпанасиз одамлар бу ерда ризқини топди, уларнинг ҳаммаси иш билан таъминланди, давлатда қашшоқлар йўқ эди, деб ёзган эди.

Аҳолининг ҳожатманд табақаларини ижтимоий муҳофаза қилиш, уларга тегишлича ёрдам бериш ўтиш даврининг иккинчи босқичида ҳам асосий йўналишлардан бири бўлиб қолаверади. Биз одамларни тенг ижтимоий кафолат билан таъминлашимиз лозим. Бу эса маълум сабабларга кўра камбағаллашиб қолган ва бошқа неъматлардан маҳрум бўлган кишиларга алоҳида эътибор беришни, муайян одамларни кўзда тутиб, уларга ижтимоий мадад тизимига ўтиш жараёнини кучайтиришни тақоза қилади.

Халқ ўз тақдири ва келажагини Президентимизга ишониб топширган, давлатимизда амалга ошаётган мустақиллик сиёсатини маъқуллаб, қўллаб-қувватлаётган экан, бу йўл бахтли турмушга олиб боришига комил ишонч билан қарашга ҳақлидир.

ХАЛҚ МАНФААТИ — ОЛИЙ МЕЗОН

Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати

ошади. Шу сабабли жамиятда вужудга келаётган ўзаро ижобий муносабатлар, жамиятнинг ижтимоий ташкилотлари қўллаб-қувватланмоқда ҳамда қонун билан ҳимоя қилинмоқда. Фуқаролар жамиятининг эркин ривожланиши давлат томонидан ортиқча васийлик қилишни истисно этади ва ҳаётнинг барча асосий соҳаларида чинакам демократик негизларни ва ўзини ўзи бошқаришни қарор топтиришга кафолат беради. Юқорида айтилган рисолада таъкидланганидек, фуқаролар жамиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув тузилмалари энг муҳим умуммиллий вазифани бажаради, мамлакат мудофааси ва давлат хавфсизлиги, ташқи сиёсий масалаларини ҳал қилиш, валюта, молия ва солиқ тизимини шакллантириш ҳамда қонунчилик билан шуғулланади.

Фуқаролар жамияти моҳият жиҳатидан адолатли жамиятдир. У барча фуқаролар учун тенг имкониятларнинг самарали тизими бўлишини, оқилона ижтимоий, мулкий тенглик таъминланишини кўзда тутади. Шу жамиятни ўз ичига олган давлат зиммасига жамият аъзолари моддий бойлигида пайдо бўладиган ҳаддан ташқари катта тафовутни камайтиришга қодир бўлган ижтимоий-ҳуқуқий дастурларни амалга ошириш вазифаси юкланади.

Биз мамлакатимизда бой, чинакам бадавлат одамлар мумкин қадар кўп бўлишига мутлақо қарши эмасмиз. Аммо, фуқароларнинг бирор қисми қашшоқликда яшашига йўл қўйиш мумкин эмас. Хатто, собиқ иттифоқ барбод бўлганидан кейинги иқтисодий тартибсизлик авж олган бўҳрон даврида ҳам Ўзбекистонда ҳеч ким турмуш учун зарур бўлган имкониятларнинг энг кам миқдоридан паст даражада яшагани йўқ. Тезда вазиятни барқарорлаштирадиган ижтимоий муҳофазанинг энг ишончли воситалари билан таъминланишимиз фуқаролар жамиятида бундай қашшоқликка мутлақо йўл қўймайди.

Фуқаролар жамиятида давлат ижтимоий муросага эришиш йўли билан зиддиятларни бартараф этиш мезонини таъминлайди. Давлатимизнинг фаолиятида, ҳуқуқнинг амал қилишида шу нуқтаи назардан турли ижтимоий гуруҳларнинг муштарак манфаатлари ифода қилинади. Ўз-ўзидан равшанки, маълум даражада мажбур қилиш йўли билан ижтимоий тартибни таъминлаш мумкинлигига йўл қўйилади. Лекин, бу иккинчи масаладир. Давлат ва ҳуқуқнинг асосий вазфаларини ижтимоий тотувлик, муроса ташкил этади.

Бу йўл Ўзбекистон ислоҳотларнинг иккинчи босқичида янги иқга нисбатан инсон ҳуқуқлари умумий декларациясининг 25-моддасида ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатнинг 11-моддасини ёзиб қўйилган вазифаларини бажариш, яъни ҳар бир кишининг турмуш даражаси етарли даражада юқори бўлишини, жумладан, озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, фуқаро ва унинг оиласи саломатлиги ҳамда фаровонлигини сақлаб туриш учун зарур бўлган тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатишни, шунингдек, ишсиз, касал ва ногирон бўлиб қолган тақдирда, қариганда ёки ўзга йўл билан яшаш учун зарур маблағдан маҳрум бўлган тақдирда уни таъминлашга кафолат бериш мақсадида давлат йўли билан кўмаклашиш тўғрисида бормоқда.

Хусусий мулкчиликнинг қайтадан тикланиши ва ундан фойдаланиш умумий манфаатларга хизмат қилиши лозим. Умумий манфаатлар деганда ҳар бир кишининг манфаати ҳам кўзда тутилади. Фақат мулк эгасигина эмас, шу билан бирга сармоя туфайли ишлаш ва даромад олиш имкониятига эга бўлган барча кишилар хусусий мулкчиликдан наф кўриши туфайли давлат шу хусусий мулкни ҳимоя қилишга кафолат беради.

Бозор иқтисодиёти ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган муносабатларни давлат йўли билан тартибга солишнинг турли усулларини кўзда тутди. Шубҳасиз, бозор муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тўла-тўкис таъминлаш, бозор муносабатларига мос келадиган, барқарор қонунларни яратиш бундай муҳофазанинг зарур шартидир. Аммо, фуқароларнинг қонунда ёзиб қўйилган ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ўз-ўзидан амалга ошаверади, деб ўйлаш хато бўлур эди. Иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тузилмаларни тубдан ислоҳ қилиш чоғида давлатнинг саъй-ҳаракатлари асосан инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим омилларини ажратиб кўрсатишга ва аниқ воситаларини ишлаб чиқаришга қаратилади.

Ўтиш даврида давлатнинг шу давр шароитини ҳисобга олган сиёсати бозор иқтисодиётига ўтишнинг салбий оқибатларини мумкин қадар камайтириш, ҳар бир инсон учун муносиб турмуш тарзини яратиш, айрим кишиларнинг ҳуқуқлари бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари камситилиши ҳисобига амалга оширишни истисно қилишдан иборат.

Биз давлатимиз мустақиллигини эълон қилиб, айни шу йўлни танладик. Президентимизнинг тегишли фармонлари эълон қилинда, ижтимоий муҳофаза тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар ҳожатманд кишиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таъминлабгина қолмай, шу билан бирга, жамиятда халқнинг мамлакат раҳбариятига ишончи муҳитини ҳам яратди.

1995 йилда байналмилалчи жангчиларга, уруш ногиронларига аравачалар сотиб олиш учун ижтимоий таъминот вазирлигига — 840 минг Америка доллари миқдорида валюта ажратилди. Бу ижтимоий гуруҳ, уларнинг оила аъзолари бир қанча солиқларни тўлашдан озод этилган. Квартиралашни хусусийлаштиришда, дори-дармонларни сотиб олишда ва бошқа соҳаларда уларга имтиёзлар берилди.

Ўқитувчиларга, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар, уларнинг иш ҳақини ошириш тўғрисида, фуқаролар шахсий ёрдамчи хўжалигини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари, бошқаларнинг қаровига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уй-жойлар хусусийлаштирилиши муносабати билан аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий муҳофаза қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари, Ғалаба кунининг байрам қилиниши муносабати билан иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларини рағбатлантириш, аҳолига компенсация тўловларини жорий этиш тўғрисида Президентнинг бир қанча фармонлари, шунингдек, кўпгина бошқа асосий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бозор муносабатларига ўтишнинг мураккаб шароитида давлатимиз бошлиғининг йўл-йўриқларига амал қилиб, аҳолини, айниқса, унинг ижтимоий ночор табақаларини муҳофаза қилиш чораларини изчиллик билан амалга оширди. Яхши муҳофаза қилинмаган ижтимоий гуруҳларга моддий мадад бериш юзасидан ҳукумат киритган таклифлар ҳар томонлама кўриб чиқилди. Аҳолининг иш билан таъминланишини тартибга соладиган, корхонанинг бекилиши ёки қайта ташкил этилиши муносабати билан вақтинча ишсиз қолган шахсларга кафолат берувчи қонунлар ўз вақтида қабул қилинди.

«Фуқароларнинг давлат пенсияси таъминоти тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида», «Давлат санитария назорати тўғрисида», «Таълим тўғрисида», «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» ҳамда ёш авлоднинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга, аёллар ва болаларнинг аҳволини яхшилашга, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва касалликларнинг олдини олишга қаратилган бошқа қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Российская газета» мухбири билан суҳбатда айтганидек, меҳнатсевар халқимиз давлатимизнинг энг катта бойлигидир. Диёримизда инсонийлик ва инсонпарварлик, тинчлик ва аҳиллик, яхшилик ва адолат каби буюк қадриятларни тарғиб қилган улуғ мутафаккирлар яшаган. Шунинг учун ҳам биз ўз тарихимиз, яхши анъаналаримиз билан фахрланамиз.

Халқ, унинг фаровонлиги ва осойишталиги орзуси — ватанимиз анъанаси, халқимизнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган фазилатидир. Буюк бобомиз Амир Темур ўз «тузуқлари»да мамлакатни истиқомат жойи сифатида танлаган барча қариялар, дарвешлар, қаландарлар нафақат маош олди, ночор аҳволга тушиб қолган бошпанасиз одамлар бу ерда ризқини топди, уларнинг ҳаммаси иш билан таъминланди, давлатда қашшоқлар йўқ эди, деб ёзган эди.

Аҳолининг ҳожатманд табақаларини ижтимоий муҳофаза қилиш, уларга тегишлича ёрдам бериш ўтиш даврининг иккинчи босқичида ҳам асосий йўналишлардан бири бўлиб қолаверади. Биз одамларни тенг ижтимоий кафолат билан таъминлашимиз лозим. Бу эса маълум сабабларга кўра камбағаллашиб қолган ва бошқа неъматлардан маҳрум бўлган кишиларга алоҳида эътибор беришни, муайян одамларни кўзда тутиб, уларга ижтимоий мадад тизимига ўтиш жараёнини кучайтиришни тақоза қилади.

Халқ ўз тақдири ва келажагини Президентимизга ишониб топширган, давлатимизда амалга ошаётган мустақиллик сиёсатини маъқуллаб, қўллаб-қувватлаётган экан, бу йўл бахтли турмушга олиб боришига комил ишонч билан қарашга ҳақлидир.

Маълумки, республикамиз халқаро майдонда олға сурган давлат ва хўжалик қурилишининг янги назарияси ҳамда амалиёти жаҳондаги етакчи иқтисодчилар, сиёсатшуносларнинг эътиборини ўзига тортмоқда. Президентимизнинг китобларида ана шу янги назария ҳамда амалиёт янада ривожлантирилган.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг биринчи босқичида мулкчиликнинг турли шаклларини жорий этишда қўлга киритилган ютуқларга таянилган ҳолда шу йўлдан бориш, ислоҳотлар навбатдаги босқичи вазифаларини бажариш учун янги устивор йўналишлар белгилаб олиниб, янада мураккаб, янги масалаларни ҳал этиш йўл-йўриқлари аниқ-равшан кўрсатиб берилган. «Фақат маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислоҳотларга тайёр бўлиши мумкин» дейилади китобда.

Дарҳақиқат, бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг қийинчиликларини сабот билан енгиб, ёрқин мақсад сари бораётган халқимизнинг катта салоҳият соҳиби эканлиги бутун дунё эътиборида. Қайси соҳани олманг, тадбиркорликни ривожлантиришми, фермерлик ҳаракатини кенгайтиришми, ёки маънавиятни равнақ топтиришми, ёҳуд ижтимоий кафолатми — барчасида ислоҳотлар туфайли сезиларли силжишларга эришилаётир.

Ана шу муваффақиятлар замирида республикамиздаги тинчлик, осойишталик, хотиржамликнинг барқарорлиги ва халқимизнинг фидокорона меҳнатсеварлиги ўзгача маъмунга, беқиёс аҳамиятга эга эканлиги эътиборга лойиқдир.

Иқтисодий жиҳатдан эркин меҳнатни таъминлаш, ҳар бир фуқарони ана шу меҳнат қучоғига жалб этиб, унинг фаровонлигини бисёр этиш китобда олдинга сурилган асосий ғоялардан бири ҳисобланади. Бу жиҳатдан олганда Тошкент вилоятида ҳам янги-янги ишчи жойлари маълум даражада кўпайиб бораётганлиги айни муддаодир. Шу билан биргаликда ҳали вилоятда бу борада кўп тадбирлар амалга оширилиши лозим, деб ўйлайман.

Чунки, барча шаҳар ва туманларда ҳам ишчи ўринларини кўпайтириш, айниқса, ёшларни меҳнатга жалб этиш борасида етарлича фаолият кўрсатиляпти, деб бўлмайди. Ташкил этилган қўшма, кичик корхоналар ишини жонлантиришга алоҳида эътибор бериш керак.

Китобда барпо этилаётган янги жамият йўналишини белгиловчи асосий омиллар ҳақида батафсил сўз юритилади. Уларнинг ҳар бири мамлакат қудратини мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш йўлидаги маълум бир ғояни, мақсадни олдинга суради. Хусусан, «Ишончли ижтимоий кафолатларнинг таъминланиши» деб номланган бўлимдаги мана бу сўзларга эътибор қилайлик: «Барча ислоҳотларнинг — иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотларнинг асл мақсади — инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат».

Ана шу фикрни ривожлантириб, юртбошимиз аҳолининг энг ҳимоясиз ва мухтож табақаларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш — ислоҳотларни муваффақиятли ўтказишнинг муҳим гарови эканлигини алоҳида таъкидлади.

Халқимиз бу фикрларнинг амалий натижасини ўз ҳаётида яққол кўриб турибди. Ислоҳотлар бошланғич босқичлардан ҳар бир даврга мослаб ижтимоий ҳимоялашга оид чора-тадбирлар тизими яратилди. Бу мақсадга эришиш йўлида давлат бошқаришнинг турли усуллари ва услубларини ишга солди. Хусусан, иш ҳақи вақти-вақти билан ошириб борилди, пенсиялар, стипендиялар, турли нафақалар, компенсация тарзидаги бевосита пул тўловлари, имтиёзлар ва ҳар хил дотациялар тарзидаги бевосита тўловлар кенг қўлланилди. Энг кам иш ҳақи ва пенсиялардан солиқ олинмаслиги, корхоналарнинг ўз ходимларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги харажатларидан бир қисми бюджет маблағлари ҳисобидан қопланиб турилиши ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялашдаги муҳим омиллар бўлди. Ислоҳотларнинг биринчи босқичи давомида ижтимоий ҳимоялаш маблағлари республика бюджетининг салкам учдан бир қисмини ташкил этди.

Китобда яна бир муҳим мавзуга алоҳида урғу берилган. «Нарҳлар эркинлаштирилиши ва пулнинг қадрсизланиш даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириш ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимидаги энг устун йўналишлардан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади» дейилади бу асарда.

Дарҳақиқат, республикамиз халқи ана шу ғамхўрликни мунтазам ҳис этиб келмоқда. 1992 — 1995 йиллар мобайнида иш ҳақи ва пенсияларнинг энг кам миқдори бир неча бор оширилди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, китобда ҳамма нафақалар ва моддий ёрдам фақат оилалар орқали етказиб берилаётгани, бола боқувчи оналарга нафақалар муддати узайтирилганлиги ҳамда нафақаларнинг миқдори мунтазам ошириб борилаётгани тўғрисидаги фикрлар ҳам ўз ифодасини топган. Шу йилнинг ноябрь ойида Президентимиз томонидан эълон қилинган фармон оналик ва болаликни муҳофаза этиш йўлидаги яна бир меҳрибонлик тимсолидир.

Юртбошимизнинг соғлом авлодни тарбиялаш билан боғлиқ йўналишларда мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар ҳақидаги, ёҳуд «Маҳалла» хайрия жамғармаси фаолиятига доир биринчи босқичдаги якуний хулосалари, иккинчи босқичга таллуқли вазифалар тўғрисидаги фикрлари китобда ўзининг тўлиқ аксини топди.

Мамлакатимизда бу борада кўп ишлар қилинаётганлиги билан бирга, ҳали улар талаб даражасида эмаслиги ҳам эътироф этиб ўтилган.

Мазкур китоб истиқлолга юз тутган республикамизни иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ривожлантириш, маънавиятимизни равнақ топтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашнинг аниқ йўлларини кўрсатиб берганлиги билан қимматлидир ва айни ўз вақтида ёзилган асар сифатида республикамиз халқи, ҳамдўстлик мамлакатлари олимлари, мутахассислари эътиборига лойиқ бўлмоқда.

МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ МАНБАИ

Эркин КОМИЛОВ,
Тошкент туманидаги «Наврўз» маҳалла оқсоқоли

ХАЛҚИМИЗ фаровонлигини, юртимиз равнақини кўзлаган Президентимиз китобида олий мақсадларга етиш тамойиллари муфассал кўрсатиб берилган. Бу қўлланмадан, қайси касб ёки ихтисослик эгаси бўлишидан қатъий назар, ҳар ким ўзига яраша мазмун ва маълумот олади. Айни пайтда китобхон янги қураётган жам

● Спорт ● Спорт ● Спорт

БМТнинг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган жаҳон футбол байрамида Ўзбекистон футболчилари ҳам иштирок этдилар. Болалар, ўсмирлар, ёшлар, катталар ҳамда фахрийлар ўртасида учрашувлар бўлиб ўтди. Унда олимпия ўринбосарлари болалар-ўсмирлар спорт мактаби талабалари ҳам қатнашдилар. Темур Олимхўжаев устозлик қилаётган 1983 йилда туғилган ўсмирлар жамоаси икки марта шаҳар чемпиони ҳамда икки марта биллур совринни қўлга киритишга муяссар бўлган. Т. Олимхўжаевнинг шогирдлари футбол байрамида ҳам муваффақиятли иштирок этишди.

СУРАТДА: Темур Олимхўжаев шогирдлари даврасида.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

ПАРИЖДА 1998 йилда ўказиладиган жаҳон биринчилигининг саралаш ўйинлари учун қуръа ташланди. Қуръа ташлаш маросимида Ўзбекистон Футбол федерациясининг бош котиби Зокир Курбонов ва мамлакат миллий терма командамизнинг бош устози Александр Иванковлар иштирок этдилар. Ўзбекистон футболчилари олтинчи Осиё гуруҳида Индонезия, Яман, Камбоджа терма командалари билан мусобақалашадиган бўлдилар. Гуруҳда ғолиб келган команда навбатдаги босқичга йўлланма олади.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎЙИНЧИЛАРИ

«НАВБАҲОР» жамоаси ҳужумчиси Олег Шацких 1995 йилнинг энг яхши футболчиси деб тан олинди. У Республика оммавий ахборот воситаларининг 45 вакили иштирок этган сўровда энг кўп овоз олиб, 50 очко билан (9 та биринчи, 8 та иккинчи ва 7 та учинчи ўрин) ғолиб чиқди.

Пахтакорчи Дилмурод Назаров иккинчи, (9 та биринчи, 5 та иккинчи, 3 та учинчи) ҳамда «Нефтчи» ўйинчиси Сергей Лебедев учинчи (6 та биринчи, 7 та иккинчи, 2 та учинчи) ўринни олдилар.

Эслатиб ўтамиз: 1992 йилда Валерий Кечинов, 1993 йилда Миржалол Қосимов, 1994 йилда Игорь Шквиринлар йилнинг энг яхши футболчиси деб баҳоланган эдилар.

44 МАМЛАКАТНИ ОРТДА ҚОЛДИРИБ

КИКБОКСИНГ бўйича Киевда ўтказилган жаҳон чемпионатида 49 мамлакат вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон спортчилари жамоа ҳисобида Украина, Россия, Франция, Польша мамлакатларидан кейин бешинчи ўринни эгаллаб, 44 мамлакат вакилларини ортда қолдирдилар.

Олмос Юсуфов 71 килограммгача, Сергей Воронов 91 килограммгача вазнлилар баҳсида қатнашиб, ғолиб келишди ва жаҳон чемпиони унвонига муяссар бўлишди. Акмал Зокиров, Алмурод Боқоев ва Игорь Илкаевлар кумуш медалга, Николай Слюнгенов бронза медалига сазовор бўлди.

● ҚАЛБИМИЗДАГИ

Ҳа, республикамизда бир асрлик тарихга эга бўлган ана шундай билим маскани бор. У Шайҳонтоҳур туманида жойлашган 38-мактабдир.

Мактаб ҳар қандай жамиятда ҳам халқ ва давлат томонидан эъзозланган муқаддас даргоҳдир. Ўзининг 100 йиллик тўйини нишонлаётган мазкур мактабнинг тарихи ўзига хос ва қизиқарлидир. Унинг тарихини қисқача ёритар эканмиз, архив материалларига мурожаат қилдик. Унинг тарихидан хабардор бўлган кишилар билан суҳбатлашдик.

38-мактаб унинг асосчиси Ҳасанхон домла Исломов номи билан боғлиқ. Бизнинг юртдошимиз бўлган бу қалби дарё инсон 1870 йилда Тошкентнинг Кўкча даҳасидаги «Обиназир» маҳалласида Мир Алишо Охунд ўғли Мир Исломшо домла оиласида дунёга келган. Отаси замонасининг етук илмли кишиси бўлиб, ўз маҳалласида фарзандларга зиё таратиш мақсадида мактаб очган, болаларни ўқитиш, саводли қилиш билан шуғулланган. Мазкур мактаб шаҳарнинг ўша вақтдаги ҳокимлари томонидан билим маскани сифатида рўйҳатга олинган эди.

Отадан эрта етим қолган Мир Исломшо зиммасига оилани тебратиш вазифаси тушиб қолади. Мадрасани тугатгач, 1895—1896 йилдан бошлаб, мустақил равишда муаллимлик — мударрислик қила бошлайди.

Мактабга асос солган бу муҳтарам зотнинг рафиқалари Мастура отин ҳозирги Чаманнор тор кўчасидаги 11-уйнинг ичкари ҳовлисида қизларга сабоқ берган. Ташқари ҳовлида эса Мир Исломшо ўғил болаларни ўқитганлар. Ҳасанхон домланинг мактаби дастлаб бир синф хонасидан иборат бўлган. Кейинчалик яна тўртта синф ташкил қилинган.

Домла муаллимликка ўз укалари Мираҳмад, Миршаҳобиддин, лангарлик жиянлари Мирмусо, Морисо қариларни, диний таълимга эса шу маҳаллалик Иноғомжон домла ва унинг ўғли Абдумажидхонларни жалб этганлар. Шу қўйи мактаб йилдан-йилга кенгайиб боради. Сабаби — Ҳасанхон домла ўқитишнинг эски услубидан воз кечиб, янгича йўл тутганлигидадир.

Болалар тез савод чиқаргач, ёзишни қисқа муддатда ўрганганлар. Бу болаларни гуруҳ-гуруҳга бўлиб (ҳозирги синф шаклида) ўқитиш самараси эди.

Ҳасанхон домла 1912 йилда Қарқара (ҳозирги Павлодар) шаҳридаги дунё ярмаркасини томоша қилиш баҳонасида у ердаги татар мактабларининг тажрибасини ўрганадилар. Тошкентга қайтгач, ташқари ҳовлидаги теракзорни кесиб, улардан тахта тилдирадилар ва болалар ўтирадиган ўриндиқлар ясатадилар. Шундан кейин талабалар бўйра устида эмас, балки, тахтадан ясалган ўриндиққа ўтирадиган бўлдилар. Ҳарфлар эса катта тахтага ёзиб ўргатила бошланди.

1918 йилнинг 9 сентябридан бошлаб, Ҳасанхон домланинг мактаби Тошкент Эски шаҳар маориф шўъбасига қарашли Шайх Саъдий номидаги 18-мактаб деб атала бошлади. Маҳаллада яшаган замонасининг очиқ қўл ўртаҳол савдогари Исматбой Ҳожи Норбоев ўз жамғармаси ҳисобидан ташқари ҳовлига тўрт хонали мактаб қуриб беради. Мактаб у ерда сиқилиб қолгач, шу маҳалладаги Яҳё қори бойваччанинг ташқари ҳовлисига кўчиб ўтади. Кейинчалик «Турон», «Шарқ» мактаби деб атала бошланди.

АСР ТЕНГДОШИ

1935 йилда мактабнинг янги замонавий биноси қад кўтарди ва у 38-»Известия» номли мактаб деб юритила бошланди. Мактаб қурилишида ўқувчиларнинг ота-оналари фаол қатнашганлар. Унинг биринчи ғиштини ҳам Ҳасанхон домла ва уста Ғофур Нигмоновлар қўйишган эди. Ҳасанхон домла Исломов 1938 йилга қадар мазкур мактабда мудир, илмий бўлим мудири, бошланғич таълим муаллими бўлиб ишлади. Ўша йили 40 йиллик меҳнат фаолиятини ўтаб дам олишга чиқадилар. Шундан кейин Шайҳонтоҳур туманидаги собиқ «Қизил Шарқ» маҳалла комиссиясининг котиби, раиси, туман Саҳрий кексалар қўмитасининг раиси бўлиб хизмат қилдилар.

Халқ таълимини ривожлантиришга муносиб улуш қўшган, бутун умрини халқни саводли қилишдек савобли ишга бахшида этган бу жафокаш инсон 1950 йил 28 ноябрда вафот этди. Ҳозирги вақтда домланинг ўғиллари, қизлари, невара-эваралари, келин-куёвлари олим, шифокор, жарроҳ, муаллим, муҳандис, бинокор, мураббий, ишчи ва деҳқон бўлиб, халққа хизмат қилмоқдалар. Домланинг авлодларидан 200 га яқин киши ота касбини эъзозлаб, муаллимлик қилмоқда.

Ҳаёт давом этаверади. Билим даргоҳига домланинг хайрли ишини давом эттирувчи янги сарбонлар кириб келишди. Забардаст педагоглар билан тўлган илм масканининг обруси янада ортди. Таълим олаётган ўқувчиларнинг сони йилдан-йилга кўпайди. Келажак эгаларини тарбиялашдек улкан вазифани зиммасига олган фидойи инсонлардан Боқи Тўлаганов, Шамсиддин Хўжаев, Туроб Ҳидоятов, Шаҳоб Абдуллаев, Садр Маҳкамов, Кимё Ғаниева, Карим Алимов, Лаъли Усмонова, Аъзам Мираҳмедов, Наби Нурмуҳамедов, Тоир Умаров, М. Королева, Л. Чернова каби устозларнинг меҳри бир умр қалбимизда қолади.

Мактабда узоқ йиллар давомида ишлаб, ҳозир дам олаётган устозларни мактабнинг 100 йиллик тўйи билан муборакбод этамиз. Хайрия опа Ибатуллина, Мунаввар Ҳайдарова, Маъсуда Умарова, Матлуба Иброҳимова, Турсуной Абдуллаева каби устозларнинг доим бардам, соғ-саломат бўлишларини истаймиз.

Ҳаётда ўз ўрнини топган, халққа манфаат келтираётган шогирдлар ҳам талайгина. Улар орасида олимлар, шифокорлар, ўқитувчилар, журналистлар, раҳбарлик лавозимларида ишлаётганлар ва бошқа касб эгалари бор. Улар ўзлари учун бир умр муқаддас жой бўлиб қолган маскан — мактабда олган таълим ва тарбиянинг самараси учун устозларидан чексиз миннатдорлар.

1991 йили 38-мактаб Ҳаким Мусаев номи билан атала бошланди. Ҳаким ака умрининг 50 йилини педагогликка бағишлаган инсон эди. Ўқитувчининг меҳнатини ҳаёт дарёсига қиёс қилишади. У битта ўзандан бир маромда оқади, қалбларда эзгулик куртакларини баҳорий ёздиради. Бошқа билим масканлари каби мактабимиз ўқитувчилар жамоаси қутлуғ санани катта шодиёналик билан нишонлар экан, ўзининг олижаноб мақсади — ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлидаги куч-ғайратини янада ошираверади.

Мамлакат САЙДАЛИЕВА,
тил ва адабиёт ўқитувчиси.
Зулфия ОБИДОВА,
журналист, Ўзбекистон радиоси муҳаррири.



«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони)

БОЛАЛАР СИЗЛАР УЧУН!
МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА - 1995 ЙИЛ 23 ДЕКАБРЬ - 1996 ЙИЛ 14 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ

«ЦИРКДА АРЧА»

ҚАТНАШАДИЛАР:
Корбобо, Қорқиз, эртак қаҳрамонлари, цирк санъатининг барча жанрлари вакиллари ва ўргатилган ҳайвонлар.

ТОМОШАЛАР:
23-28 декабрь кунлари соат 12.00, 14.00, 16.00 да;
30 декабрь соат 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00 да;
31 декабрь соат 10.00, 12.00, 14.00, 16.00 да;
1-7 январь кунлари соат 16.00, 18.00 да;
8-14 январь кунлари соат 10.00, 12.00, 14.00, 16.00 да бошланади.

❄❄❄

Олдиндан чипта сотиш ташкил этилган. Чипталар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Касса соат 10.00 дан 18.00 гача ишлайди.

Маълумот учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-89, 44-29-04.

ТАШКИЛОТ ГОФРОЯШЧИКЛАР, ГОФРОКАРТОНЛАРНИ чекланмаган миқдорда СОТАДИ

Баҳоси: 22-53 сўм, 27-50 сўм (18 фоиз қўшимча қиймат солиғи билан).

Ангрендаги телефон: 2-24-20, 3-74-01.

Ҳафталик кўрсатувлар

ДУШАНБА, 18

ЎзТВ I

6.30 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
7.30 **«Ҳафтанома».**
8.00 — 8.30 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатувининг давоми.

*

8.30 **«Компьютер-шоу».** Телевизион танлов.
9.15 «Олатовнинг кумуш мугузи». Бадиий фильм.
10.30 «Сахро фидойилари». «Қоракўл» жамоа хўжалиги ҳақида.
11.00 **«Чодир жамол».** Республика кўғирчоқ театрининг спектакли.
11.35 — 12.15 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Янгиликлар.**
Публицистик кўрсатувлар дастури:
18.10 **I. «Мувозанат».**
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 **II. «Моҳият».**
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.50 Эълонлар.
20.55 **III. «Қуёш юрти».**
23.25 Эълонлар.
23.30 **«Ахборот».**
23.50 — 00.40 «Оқ бино оқшомлари». Телевизион бадиий фильм.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси тақдиқлади:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 **«Таҳлил».** Ахборот кўрсатуви.
19.15 **«Алламбало».**
19.40 «Спорт-тайм».
20.10 — 22.40 **«Туркистон — умумий уйимиз».** Марказий Осиё халқлари маданияти форуми.

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Номаълум Бухоро». Телефильм.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.10 — 21.40

***

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.55 Ю. Курбонов. «Рапсодия». Навоий номидаги Давлат академик Катта театрининг симфоник оркестри ижро этади.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10—19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».

*

«ОМАД» тақдиқлади:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 Эълонлар.
20.50 «Курьер».
21.10 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.20 «Постфактум».
21.30 Эълонлар.
21.35 — 23.15 Видео — «О».

СЕШАНБА, 19

ЎзТВ I

6.30 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
7.30 **«Ахборот».**
7.50 — 8.30 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатувининг давоми.

*

8.30 «Нурли сиймолар». Кинодастур.
9.20 «Қизлар гулдастаси».
9.50 Немис тили.
10.20 «Ёшлик» студияси. «Талабалар саҳнасида».
11.20 **«Умр мазмуни».** Техника фанлари доктори, профессор Ёлқин Соатов.
11.50 «Ҳовлимиздаги стадион».
12.10 — 12.40 **«Ўқитувчилар, Сизлар учун!».**

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Янгиликлар.**
18.10 **«Санъат ғунчалари».**
18.40 «Ҳаракатда — баракат». Тўрақўрғон тумани «Ниҳол» кичик корхонаси.
19.00 **«Мозийдан садо».**
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 **«Маърифат бешиги».** Қўқон педагогика билим юрти — 75 ёшда.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.50 Эълонлар.
20.55 **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессияси олдидан. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунлар лойиҳаларининг муҳокамаси.**
21.30 «Маком кечаси». «Насруллоий» туркуми.
22.30 **«Сиз кутган дақиқалар».** Ўзбекистон халқ артисти Гулчеҳра Жамилова.
23.25 Эълонлар.
23.30 **«Ахборот».**
23.50 — 01.05 «Интеграл». Бадиий фильм.

ЎзТВ II

«ОМАД» тақдиқлади:
18.30 «Мультфейерверк».
18.45 **«Табиат дунёси».**
19.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.55 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 **«Кинонигоҳ».**
22.50 «Теле-ателье-шоу».
23.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
23.40 — 24.00 «Видеогид».

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тоғ капалаклари». Телефильм.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.50 «Бу ажиб дунё».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10—19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.00 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 00.15 «Табиат дунёси».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10—19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Янгиликлар.**
18.10 **«Сеҳрли мўйқалам».**
18.30 «Ишбилармон». «Венус—Америка» қўшма корхонаси фаолиятидан.
18.40 **«Туркистон — умумий уйимиз».**
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 **«Юзма-юз».** Езувчи Ҳожиакбар Шайхов билан мулоқот.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.50 Эълонлар.
20.55 **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессияси да.**
22.30 **Санъат усталарининг концерти.**
23.25 Эълонлар.
23.30 **«Ахборот».**
23.50 — 00.30 «Унутилмас сатрлар». Васли Самарқандий.

ЎзТВ II

«ОМАД» тақдиқлади:
18.30 Болалар учун фильм. «Юра даври боғидаги саргузашт».
19.00 «Оламнинг яратилиши».
19.30 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 — 22.45 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Шоир, олим, мутафаккир». Алишер Навоий. Телефильм.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 24.00 «Спорт-тайм».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10—19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Фармон ва ижро».
20.20 «Дурдаршан» телекомпанияси-нинг кўрсатувлари.
21.20 «Манбалар».
22.00 «Безнен мирас» (татар тилида).
22.45—23.30 «Рангинкамон» (тожик тилида).

ЖУМА, 22

ЎзТВ I

6.30 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
7.30 **«Ахборот».**
7.50 — 8.30 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатувининг давоми.

*

8.30 «Унутилмас сатрлар». Васли Самарқандий.
9.10 **«Аёл борки, олам мунаввар».**
9.45 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».

Ўқув машғулотлари:
10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 — 12.00 Математика.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Янгиликлар.**
18.10 **«Доно бобо даврасида».**
18.40 «Шеърий дақиқалар». Шавкат Раҳмон.
18.50 **«Нурчиларга бахшида қўшиқлар».** Энергетиклар кунига бағишланади.
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 **«Алпомиш авлодлари».** Спорт кўрсатуви.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.50 Эълонлар.
20.55 **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессияси да.**
22.30 **Сессия қатнашчилари учун концерт.**
23.25 Эълонлар.
23.30 **«Ахборот».**
23.50 — 00.30 **«Ижодкор портретига чизгилар».** Режиссёр Б. Аҳмедов.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси тақдиқлади:
18.30 Ёшлар ижро этадилар.
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.25 **«Самарали изланишлар».**
19.55 «02» тўлқинида.
20.20 **«Бизнес-академия».**
20.45 — 22.25 «Комиссар Берлахнинг сўнгги иши». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Кино ва мусиқа». Киноконцерт.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.55 «Жонли сайёра».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10—19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».

*

«ОМАД» тақдиқлади:
19.55 «Автосалон».
20.15 Видео янгиликлари.
20.35 «Теле-ателье-шоу».
20.45 Эълонлар.
20.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.40 Эълонлар.
21.45 «Даракчи».
21.55 Эълонлар.
22.00—23.40 Видео — «О».

ШАНБА, 23

ЎзТВ I

6.30 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
7.30 **«Ахборот».**
7.50 — 8.30 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатувининг давоми.

*

8.30 **«Самода сочилган юлдузлар».** Спорт дастури.
9.00 **«Мерос».** Замахшарий.
9.50 «Оламни асранг».
10.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ».
11.20 **«Бир соатлик халифа».** Мукимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
13.15 — 15.00 «Маъновият» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Қушиғим, жон қушиғим».
18.40 Спорт хабарномаси.
18.50 **«Шарқнинг мумтоз мусаввири».** Камолиддин Беҳзод.
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Оқшом эртаклари.
20.00 **«Ўзбекистон янгиликлари»** (инглиз тилида).
20.10 Эълонлар.
20.15 **«Мен қайтиб келгунча».** Катталар учун мультфильм.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.50 Эълонлар.
20.55 **«Тановарлар кечаси».** Мусиқий дастур.
21.55 **Ш. Бошбеков. «Эшик қоққан ким ўзи?».** Видеофильм.
23.25 **«Тунги ёғду».** Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» тақдиқлади:
9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Табиат дунёси».
10.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.40 «Кинонигоҳ».
13.20 «Теле-ателье-шоу».
13.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
14.10 — 14.30 «Видеогид».

***

«Тошкент» студияси тақдиқлади:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Усто».
19.40 **«Менинг кўчам».**
19.55 **«Қишлоқ ҳовлиси-95».** «Дастурхон ёки чинозлик миллионер».
20.25 «Майда-чуйда».
20.45 «Хонадонингиз осойишта бўлсин!».
21.45 — 23.05 «Кинематограф».

ЎзТВ III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Тоғлар чорлайди», «Жанубдаги боғ».

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.45 «Осиё овози» меҳмонларни кутмоқда. 2-кўрсатув.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Эллада».
11.00 «Кашф этилаётган имкониятлар». Бухоро вилоятида транспорт корхоналарини хусусийлаштириш ҳақида.
11.20 «Муҳаббат юлдузи». Болалар учун фильм. 2-серия.
12.30—13.20 «Замандас» (қозоқ тилида).

***

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.15 «Монитор — Осиё».
21.00 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.10 «Едгорлик».
21.30 «Тақдирлар».
22.00 «Шалом».
22.30 «Бу ажиб дунё».
22.50—23.00 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

ЯКШАНБА, 24

ЎзТВ I

6.30 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.
7.30 **«Ахборот».**
7.50 — 8.30 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатувининг давоми.

*

8.30 **«Камалак».** Болалар учун кинодастур.
10.00 **«Ватанимга хизмат қиламан».**
11.00 **«Санъат маскани».** Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат институтининг 50 йиллигига.
12.30 «Оила». Телевизион журнал.
13.10 «Қирқ! Қирқ! Қирқ!».
13.55 Уйғун: «Улсам айрилмасман кучоқларингдан».
14.45 — 15.45 **«Спортландия» (Беларусь) — «Кувноқ стартлар» меҳмони».**

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Олтин михча». Мультфильм.
18.10 Усмирлар учун. **«Ўйла! Изла! Топ!».**
19.05 **«Ойнаи жаҳонда...».**
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Панорама»** (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Севги сохили». Киноконцерт.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ҳафтанома».**
21.00 Эълонлар.
21.05 Дам олиш концерти.
21.50 «Шошилинч чақирув». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 **«Ҳафтанома».**
24.00 — 01.00 **Бобур: «Руҳи равоним — эътиқод».**

ЎзТВ II

«ОМАД» тақдиқлади:
10.00 Болалар учун фильм. «Юра даври боғидаги саргузашт».
10.30 «Оламнинг яратилиши».
11.00 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.50 — 12.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.

***

17.00 «Палитра».
17.30 Эълонлар.
17.35 Видео — «О».
19.15 Эълонлар.
19.20 «Курьер».
19.40 «...яна об-ҳаво ҳақида».
19.50 «Постфактум».
20.00 «Компьютер-Осиё».
20.30 Видео янгиликлари.
20.50 «Теле-ателье-шоу».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Даракчи».
21.15 Эълонлар.
21.20 — 23.00 Видео — «О».

ЎзТВ III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Оқ иилқилар». «Бувимнинг сандиғи». Телефильмлар.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 — 22.50

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.50 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 «Панорама».
23.50 — 00.15 «Эсдалик учун дастхат». В. Леонтьев.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!». Мультфильм.
10.30 «Менинг кўчам».
10.45 «Жонли сайёра».
11.30 «Кубачинск тўйлари». Телефильм.
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10—13.50 «Эртакларнинг сеҳрли олами».

***

18.10—19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Тиҳвин оҳанглари». Телефильм.
20.10 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.30 «Дурдаршан» телекомпанияси-нинг кўрсатувлари.
21.30 «Олам ва одам».
22.05 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.15 «Интерпартнёр».
23.05 «Бу ажиб дунё».
23.25 — 23.35 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48* *Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.*

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0549. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 18.30. Босишга топширилди — 19.00.